Известно, что дифференциальные уравнения, описывающие процессы ЕЦ, в частности в узкой пристеночной зоне, т.е. в области непосредственного контакта воды и стенки канала в силу своей сложности не имеют полного математического решения и следовательно, уравнения описывающие процессы распространения теплоты при ЕЦ также имеют частные решения [3].

В теории свободно-конвективного теплообмена используется понятие свободно – конвективного пограничного слоя прилегающего к твердой стенке, внутри которого играет роль вязкость теплоносителя, если даже велико число Грасгофа. Теория пограничного слоя, основные уравнения которого для ламинарного случая были выведены Прандтлем [1], впервые была применена для расчета теплоотдачи от вертикальной пластины помещенной в

неподвижную среду. Вблизи нагретой поверхности был отмечен градиент температуры, тогда как на значительном удалении от поверхности пластины температура жидкости оставалась постоянной. Дальнейшие исследования, проведенные различными авторами, показали, что на нагретой поверхности образуется пограничный слой, который неоднократно был обнаружен многочисленными экспериментальными наблюдениями. Позднее это было подтверждено также известными частными решениями полных уравнений движения жидкости. В пограничном слое по существу происходит переход от нулевого значения скорости жидкости на границе к конечному значению, которое соответствует значениям температуры и теплоотдачи на бесконечном удалении от стенки. Тот факт, что толщина пограничного слоя мала по сравнению с размерами канала, позволяет ввести некоторые допущения и упростить уравнение движения и энергии. Следует отметить, что понятие пограничного слоя сложнее в свободной конвекции по сравнению с вынужденным движением, так как развивающийся под действием массовых сил пограничный слой имеет размытую и нечетко выраженную форму. В свободной конвекции основной движущей силой является разность температур между стенкой и окружающей средой. Под действием этой силы происходит движение в пограничном слое. Одновременно формируется тепловой пограничный слой, в котором происходит постепенная перестройка профиля скорости.

В целом явление свободно-конвективного теплообмена между стенкой и жидкостью описывается системой дифференциальных уравнений конвективного теплообмена.

В связи с этим, расчет температуры восходящего потока жидкости в теплоприемном канале, т.е. по высоте коллектора связан с процессами ЕЦ и точность ее определения зависит от правильного выбора той или иной модели течения в канале СВК.

Цель работы – используя в качестве модели естественного циркуляционного движения жидкости по высоте теплоприемного канала, модель пограничного слоя, разработать методику расчета средней в сечении канала температуры жидкости.

Для нахождения решения, обратимся к результатам теоретического исследования теплоотдачи при свободном движении жидкости в большом объеме [2]. В данном исследовании изучалось явление теплопередачи от вертикальной пластины с постоянной температурой равной  $t_c$ , помещенной в жидкость или газ. В соответствии с данной постановкой задачи примем, что в начальном участке СВК, реализуется симметричное подобное свободное гравитационное течение вблизи плоской стенки теплоприемного канала.

Считается, что вне зоны ЕЦ т.е. в ядре потока жидкость неподвижна (вынужденное течение отсутствует) и ее температура постоянна и равна  $t_{\text{я}}$ . Если расположить начало координат  $y$  у нижней кромки плоского канала, а ось  $Oy$  перпендикулярно к ее поверхности, то схема развития пограничного слоя будет такой как показано на рис. 1.

Естественно также будем считать, что процессы ЕЦ на обеих стенках плоского канала одинаковы и развиваются независимо друг от друга. Считаем, что температура в движущемся слое жидкости подчиняется уравнению

$$\Delta t = \Delta t_c (1 - y/\delta)^2 \quad (1)$$

где  $\Delta t = t - t_{\text{я}}$ ,  $\Delta t_c = t_c - t_{\text{я}}$ ,  $t$  – температура жидкости в пограничном слое,  $t_c$  – температура стенки канала,  $\delta$  – текущая толщина пограничного слоя.

Уравнение (1) удовлетворяет следующим граничным условиям:




Рис. 1. Схема развития гидродинамического пограничного слоя в теплоотводящем канале СВК.

$$\Delta t = \Delta t_c \text{ при } y=0 \text{ и } \Delta t = 0 \text{ при } y = \delta .$$

Для решения задачи требуется получить значение средней температуры жидкости в пограничном слое. Она определяется как средняя по сечению слоя

$$\Delta t = t - t_0 = (t_c - t_0)/3 = t_c/3 - t_0/3 + t = t_c = (2/3)t_0 = (t_c + 2t_0)/3 \quad (2)$$

Для вычисления средней температуры жидкости по сечению канала гелиприемника используем следующее соотношение

$$t_{cp} (2M_n + M_y) = 2M_n t + M_y t_0 , \quad (3)$$

$$t_{cp} = (2M_n t + M_y t_0) / (2M_n + M_y) , \quad (4)$$

где  $M_n$ ,  $M_y$  - соответственно текущая масса элементарного объема выделенного в данном сечении канала для пограничного слоя и для ядра потока.

$$M_n = \rho dx \delta a \quad M_y = \rho dx a (d - 2\delta) \quad (5)$$

Подставим в формулу (4) соотношения (5) получим:

$$t_{cp} = [2t \rho dx \delta a + t_0 \rho dx a (d - 2\delta)] / [2\rho dx \delta a + \rho dx a (d - 2\delta)] = [2t\delta + (d - 2\delta)t] / (2\delta + d - 2\delta) \\ = 2t\delta + (d - 2\delta)t_0 / d = 2\delta t / d + t_0 - 2\delta t_0 / d = t_0 + [(t_c - t_0) / 3] (2\delta / d)$$

Окончательно формула для средней по сечению температуры теплоносителя имеет вид:

$$t_{cp} = t_0 + [(t_c - t_0) / 3] (2\delta / d) \quad (6)$$

Учитывая, что толщина гидродинамического слоя зависит от режима течения, преобразуем зависимость (6) для случая ламинарного режима течения.

Считаем, что при вязкостно-гравитационном режиме справедлива формула:

$$Re = \sqrt{Gr} \quad (7)$$

А также учитывая, что толщина пограничного слоя равна:

$$\delta = 5x / Gr^{1/4}$$

Окончательно имеем

$$t_{cp} = t_0 + [(t_c - t_0) / 3] [(10 / Gr^{1/4}) (x / d)] \quad (8)$$

Полученная формула расчета средней температуры теплоносителя по поперечному сечению канала коллектора позволит оценивать тепловую производительность коллектора, а также рассчитать температуру теплоносителя в каждом сечении. Последнее утверждение означает, что эта модель позволяет также определить теплоотдачу по длине коллектора.

#### Список литературы

- [1]. Шлихтинг Г. Теория пограничного слоя- М: Наука 1969. – 744 с.
- [2]. Исаченко В.П., Осипова В.А., Сукомел А.С.. Теплопередача –М.. Энергия. 1975.- с. 488.
- [3]. Соковишин Ю.А., Мартыненко О.Г. Введение в теорию свободно-конвективного теплообмена-Л. Издательство ленинградского университета 1982. – с.224.

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НИЗКОСОРТНЫХ (~18% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>) ФОСФОРИТОВ ПРИ ПОЛУЧЕНИИ УДОБРЕНИЙ ТИПА ДВОЙНОГО СУПЕРФОСФАТА С МИКРОЭЛЕМЕНТАМИ**

И.Т. Шамшидинов, З.Н. Мамажанов  
Наманганский инженерно-педагогический институт  
(Получена 18.02.2014 г.)

*Таркибида кальций тутган концентрланган азот-фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришда қўйи навли (~18% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>) фосфоритлардан фойдаланиш мақсадида, шундай фосфоритларни 30-35% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> концентрацияли микроэлемент тутган экстракцион фосфат кислотада (ЭФК) парчалаш жараёни ўрганилди. Микроэлементли қўшалок суперфосфат туридаги ўғитлар олишининг мақбул шароити аниқланди.*

**Таянч сўзлар:** *фосфат, апатит, фосфорит, қўйи навли фосфоритлар, экстракцион фосфат кислота (ЭФК), фосфогипс, аммоний нитрат, аммиак, аммонийлаш, суперфосфат бўтқаси, ўғит, микроўғит, қўшалок суперфосфат, микроэлементлар, мис, рух.*

*С целью использования низкосортных фосфоритов (~18% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>) для производства кальцийсодержащих концентрированных азотно-фосфорных удобрений изучен процесс разложения фосфорита в микроэлементсодержащей экстракционной фосфорной кислоте (ЭФК) концентрацией 30-35% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>. Найдены оптимальные условия получения удобрений типа двойного суперфосфата с микроэлементами.*

**Ключевые слова:** *фосфат, апатит, фосфорит, низкосортные фосфориты, экстракционная фосфорная кислота (ЭФК), фосфогипс, нитрат аммония, аммиак, аммонизация, суперфосфатная пульпа, удобрения, микроудобрения, двойной суперфосфат, микроэлементы, медь, цинк*

*In order to use low-grade phosphate rock (~18% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>) to the production of concentrated nitrogen-phosphorus fertilizers containing calcium studied the decomposition of phosphate rock in the wet-process phosphoric acid (EPA) concentration of 30-35% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> containing micronutrients. The optimum conditions for obtaining the type of double superphosphate fertilizer with trace elements were found.*

**Key words:** *phosphate, apatite, phosphorite, low-grade phosphate rock, wet-process phosphoric acid (WPPA), phosphogypsum, ammonium nitrate, ammonia, ammoniation, superphosphate pulp, fertilizer, micronutrient fertilizers, triple superphosphate, minerals, copper, zinc.*

Всестороннее изучение местных природных полезных ископаемых, их рациональное промышленное применение и эффективное использование образующихся при этом отходов является одной из актуальных проблем химической промышленности. Одновременно при этом решается и ряд экологических проблем производства продукции химической промышленности. Так, в промышленности фосфорных удобрений экстракционная фосфорная кислота производится из фосфоритов, содержащих более 25% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, и далее на основе экстракционной фосфорной кислоты получают аммофос. В Республике Узбекистан в месторождениях Кызылкум имеются большие запасы фосфоритов, в составе которых содержится ~20% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> и ниже. Данные фосфориты считаются отходом обогатительных фабрик при подготовке фосфатного сырья. Данное фосфоритное сырье по существующей технологии является непригодным как для получения концентрированных фосфорных и азотно-фосфорных удобрений, так и для его обогащения. Кроме того, такие фосфориты являются непригодными с технологической точки зрения и для получения аммофоса, т.к. эффективность производства является низкой, в процессе переработки образуются большие объемы промышленных отходов – фосфогипса. В связи с этим из фосфоритов, содержащих ~20% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, производят только простой суперфосфат (содержание питательных компонентов

в продукте составляет 9-11%  $P_2O_5$ , 1-2% N). Повышенное содержание балласта (гипса) в составе суперфосфата приводит к снижению качества удобрения, уменьшению содержания в нем питательных компонентов, а очень низкое содержание усвояемого растениями  $P_2O_5$  вызывает уменьшение коэффициента использования сырья.

С целью привлечения низкосортных фосфоритов (~18%  $P_2O_5$ ) к производству кальцийсодержащих концентрированных азотно-фосфорных удобрений изучен процесс разложения фосфорита состава в мас. %:  $P_2O_5 = 18,14$ ,  $CO_2 = 11,41$ ,  $CaO = 41,28$ ,  $MgO = 1,67$ ,  $Fe_2O_3 = 1,01$ ,  $Al_2O_3 = 0,88$ ,  $SO_3 = 3,36$ ,  $F = 1,94$  и др. в микроэлементсодержащей экстракционной фосфорной кислоте (ЭФК) [1,2] концентрацией 30-35%  $P_2O_5$ , полученной упариванием кислоты в присутствии нитрата аммония [3,4] при соотношении исходных компонентов фосфорит: ЭФК ( $100\%P_2O_5$ )=100:100÷200 (т.е. норма ЭФК для разложения фосфорита составляет 125÷250% от стехиометрии) и при температуре 80°C в течение 120 мин.

Технологические параметры получения удобрений типа двойного суперфосфата с микроэлементами из низкосортных фосфоритов и химический состав продукта приведены в таблицах 1 и 2.

При осуществлении процесса разложения низкосортного фосфорита (~18%  $P_2O_5$ ) в ЭФК с концентрацией 30,2%  $P_2O_5$  в соотношении фосфорит:ЭФК ( $100\% P_2O_5$ )=100:100 в течение 2 часов степень разложения достигает 71,7%.

Увеличение нормы кислоты в смеси приводит к возрастанию степени разложения фосфорита. Этот вывод основывается на том, что при увеличении нормы кислоты концентрацией 34,8%  $P_2O_5$  в 1,5 раза степень разложения составляет 82,4%, а при увеличении нормы в 2,0 раза степень разложения достигает 85,2%.

При нейтрализации образующейся суспензии газообразным аммиаком, находящаяся в её составе свободная кислота нейтрализуется [5]. За счёт обратимости процесса одновременно с этим происходит также частичное превращение моно- и дикальцийфосфатов в трикальцийфосфаты, в результате степень разложения фосфорита снижается. В частности, при нейтрализации газообразным аммиаком суспензии, полученной при соотношении ЭФК ( $100\% P_2O_5$ )=100:100 при концентрации исходной кислоты 30,2%  $P_2O_5$ , степень разложения снижается на 5,6% и составляет 66,1%. С увеличением нормы кислоты в 1,5 и 2 раза по отношению к фосфориту при нейтрализации образующейся смеси газообразным аммиаком степень разложения фосфорита снижается соответственно на 2,7% и 1,6% и составляет 79,7% и 83,6%. Наряду с этим, с повышением концентрации исходной кислоты до 34,8%  $P_2O_5$  при соотношении ЭФК ( $100\% P_2O_5$ )=100:100 за счёт увеличения активности кислоты степень разложения фосфорита возрастает до 75,3%. В процессе нейтрализации суспензии газообразным аммиаком степень разложения снижается на 3,4% и составляет 71,9%.

При сушке суспензии процесс разложения фосфорита продолжается, в результате чего степень разложения возрастает. В процессе сушки при температуре 105°C суспензии, полученной в соотношении ЭФК ( $100\% P_2O_5$ )=100:100 и концентрации исходной кислоты 30,2% и 34,8%, степень разложения достигает 73,8% и 81,2%, т.е. увеличивается по отношению к суспензии всего лишь на 2,1% и 5,9%. В результате этого содержание свободной кислоты ( $P_2O_{5\text{своб.}}$ ) в составе образовавшегося продукта составляет 3,45% и 3,05%.

Естественно, при сушке суспензии с повышенным содержанием кислоты наблюдается возрастание значения степени разложения. В процессе сушки при температуре 105°C суспензии, полученной при соотношении фосфорит: ЭФК ( $100\% P_2O_5$ )=100:150 и концентрации исходной кислоты 34,8  $P_2O_5$ , степень разложения достигает соответственно 89,5% и 90,4%, т.е. увеличивается по отношению к суспензии на 7,1% и 5,2%. Однако содержание свободной кислоты ( $P_2O_{5\text{своб.}}$ ) в составе образовавшегося продукта (соответственно 15,0% и 22,8%) не соответствует предъявляемым требованиям, в связи с чем такие смеси перед сушкой необходимо нейтрализовать.

Таблица 1

Технологические параметры получения микроэлементсодержащей суперфосфатной пулпы из низкосорбционных фосфоритов  
 ( $t_{\text{разл.}} = 80^{\circ}\text{C}$ ,  $\tau_{\text{разл.}} = 120$  мин)

Концентрация исходной ЭФК, %P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	Массовое соотношение фосфорит: ЭФК (100%P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> )	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> общ. %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> усв. %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> в.р. %	CaO общ. %	MgO общ. %	N общ. %	Cu, %	Zn, %	H <sub>2</sub> O, %	$\frac{P_2O_{5\text{усв.}} \times 100}{P_2O_{5\text{общ.}}}$	pH	K <sub>p</sub> %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
30,2	100:100	29,03	27,77	24,76	10,48	1,68	0,45	0,41	0,19	35,50	95,66	2,23	71,7
34,8	100:100	29,40	27,87	23,26	10,62	1,70	0,74	0,41	0,20	33,91	94,80	3,07	66,1
		32,67	31,43	28,32	11,80	1,88	0,51	0,46	0,22	28,77	96,20	2,35	75,3
		33,10	31,67	26,68	11,95	1,91	0,71	0,47	0,22	26,62	95,68	2,81	71,9
34,8	100:150	34,14	33,49	30,52	8,80	1,90	0,56	0,51	0,25	29,17	98,10	1,05	82,4
		34,23	33,48	30,05	8,82	1,91	2,23	0,51	0,25	28,45	97,81	2,28	79,7
34,8	100:200	34,85	34,42	31,96	7,04	1,92	0,59	0,53	0,25	29,44	98,77	0,94	85,2
		34,65	34,18	30,76	7,00	1,90	3,32	0,53	0,25	30,26	98,64	2,12	83,6

Таблица 2

Химический состав микроэлементсодержащих удобрений типа двойного суперфосфата и технологические параметры процесса

( $t_{\text{выпкн}} = 105^{\circ}\text{C}$ )

Концентрация исходной ЭФК, %P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	Массовое соотношение фосфорит: ЭФК (100%P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> )	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> общ. %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> усв. %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> в.р. %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> своб. %	CaO общ. %	MgO общ. %	N общ. %	Cu, %	Zn, %	H <sub>2</sub> O %	$\frac{P_2O_{5\text{теор.}}}{P_2O_{5\text{факт.}}} \times 100$ ,	pH	K <sub>p</sub> %
1	2	43,80	42,04	37,71	3,45	15,82	2,53	0,68	0,62	0,29	2,66	95,98	2,23	73,8
30,2	100:100	43,09	40,90	34,39	1,26	15,56	2,49	1,09	0,61	0,29	3,14	94,92	3,07	66,8
34,8	100:100	44,81	43,52	39,47	3,05	16,18	2,58	0,70	0,63	0,30	2,31	97,12	2,35	81,2
		44,26	42,41	35,81	1,86	18,23	2,55	0,95	0,63	0,30	1,88	95,82	2,81	72,8
34,8	100:150	46,98	46,45	42,70	15,04	12,11	2,62	0,77	0,70	0,34	2,52	98,87	1,05	89,5
		46,67	45,80	41,21	3,42	12,03	2,60	3,04	0,69	0,34	2,17	98,14	2,28	82,7
34,8	100:200	47,89	47,51	44,32	22,79	9,67	2,63	0,81	0,73	0,35	3,06	99,21	0,94	90,4
		47,94	47,38	42,71	3,64	9,68	2,63	4,59	0,72	0,34	1,79	98,83	2,12	86,0

В процессе сушки нейтрализованных суспензий показатель степени разложения незначительно возрастает, т.к. при нейтрализации содержание свободной кислоты в них резко снижается. При нейтрализации и сушке суспензии, полученной при соотношении фосфорит: ЭФК(100%  $P_2O_5$ )=100:100 и концентрации исходной кислоты 34,8%  $P_2O_5$ , свободная кислотность снижается до 1,86%, а степень разложения до 72,8%.

В результате нейтрализации и сушки суспензий, полученных в условиях, превышающих норму кислоты в 1,5 и 2 раза, наблюдается снижение свободной кислотности соответственно на 3,42% и 3,68%, степень разложения фосфорита составляет соответственно 82,7% и 86,0%. Качественные показатели таких нейтрализованных продуктов полностью отвечают требованиям получения двойного суперфосфата. Таким способом, можно получить аммонизированный продукт типа двойного суперфосфата, в составе которого содержится (в мас. %):  $P_2O_{5\text{общ.}}$  = 46,67 и 47,94;  $P_2O_{5\text{усв.}}$  = 45,80 и 47,38;  $P_2O_{5\text{в.р.}}$  = 42,21 и 42,71;  $P_2O_{5\text{своб.}}$  = 3,42 и 3,64; CaO = 12,03 и 9,68; MgO = 2,60 и 2,63; Cu = 0,69 и 0,72; Zn = 0,34 и 0,34; N = 3,04 и 4,59;  $H_2O$  = 2,17 и 1,79 и др.

Таким образом, найдены следующие оптимальные условия получения удобрений типа двойного суперфосфата путём разложения низкосортного фосфорита в активированной ЭФК: исходная концентрация активированной ЭФК 30-35%  $P_2O_5$ , норма ЭФК для разложения фосфорита – 150% от стехиометрии, продолжительность разложения – 1,5-2 часа, нейтрализация производится газообразным аммиаком до pH 2÷3 и температура сушки – 100-105<sup>o</sup>C.

Установлено, что внедрение данного способа в производство приводит к рациональному использованию низкосортных фосфоритов для получения концентрированных азотно-фосфорных удобрений.

#### Список литературы

- [1]. Тураев З. Исследование процесса извлечения компонентов вторичных возгонов экстракционной фосфорной кислотой. «Минерал ўғитлар ва агрохимёвий воситалар ва уларни амалиётга жорий этиш» Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, ЎзФА УНК институти, 2010. 60-62 б.
- [2]. Тўраев З., Икрамов М.Х., Зокирова Г.Н. Саноат чиқиндиларидан мис микроэлементини ажратиб олиш. «Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда замонавий ёндашувлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Наманган, НамМПИ, 2011.
- [3]. Шамшидинов И. Получение удобрений типа двойного суперфосфата из фосфоритов Каратау: Автореф. дис. ... канд. техн. наук. – Ташкент, 1994. – 25 с.
- [4]. Gafurov Q., Shamshidinov I. Mineral o'g'it ishlab chiqarish nazariyasi va texnologik hisoblari. – T.: Fan va texnologiya, 2010, – 360 b.
- [5]. Кочетков В.Н. Фосфорсодержащие удобрения: Справочник. – Под ред. проф. А.А. Соколовского. – М.: Химия, 1982. – С.68-80.

УДК 631.171

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИНИНГ ТУПРОҚ ЭКОЛОГИЯСИГА ТАЪСИРИ

А. Нормирзаев, А. Насритдинов, А. Дадахўжаев  
Наманган муҳандислик- педагогика институти  
(Қабул қилинди 07.02.2014 й.)

*Мақолада техника воситаларининг юриш қисми ҳаракатлантиргичлари орқали тупроққа техноген таъсири ва уни бартараф этишининг йўллари ва юриш қисмини тупроқ зичланишига таъсирини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш масаласи қўйилган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** Қишлоқ хўжалик техникалари, тупроқ экологияси, гилдиракли тракторлар, тупроқ зичлиги ва қаттиқлиги, занжирли тракторлар, тупроққа техноген таъсирлар, юриш қисми, қишлоқ хўжалик экинлари, гилдирак изи, трактор.

*В статье рассматривается вопрос техногенное воздействие почвы при воздействии ходовой части движущих технических средств и определение критерии оценки уплотнения почвы.*

**Ключевые слова:** *сельскохозяйственные техники, экология почвы, колесные трактора, плотность и твёрдость почвы, гусеничные трактора, техногенное воздействие почвы, сельскохозяйственные культуры, след колеса, трактор.*

*In the article the question of technogenic influence of soil at influence of a running mouth of moving means about definition criteria of an estimation of consolidation of soil is considered in the article..*

**Keywords:** *agricultural technicians, soil ecology, wheel tractors, density and hardness of soil, caterpillar a tractor, technogenic influence of soil, agricultural crops, a wheel track, a tractor.*

Республикаимиз тупроқлари ниҳоятда серҳосил, иқлим шароити деҳқончилик учун қулайдир. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга бўлиб экин майдонларидан самарали фойдаланиш ҳосилдорликни сақлаш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва экин турига қараб агротехника талабларига риоя этилган ҳолда унинг унумдорлик ҳолатини сақлаш ва ошириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 40 ва 79 моддаларида ва “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги Қонуннинг 17-моддаларида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида пахтачилик ва ғаллачилик асосий ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракати тобора ривожланмоқда, фермер хўжалиқларининг сони 80628 та бўлиб, шундан 41827 таси (52 %) пахта-ғалла етиштиришга ихтисослашган.

“ЎзКейстрактор” қўшма корхонасида ғилдиракли тракторларни ҳамда “ЎзКейсмаш” қўшма корхонасида пахта териш машиналари ва чигит экиш сеялкаларини йиғиш ишлари ташкил этилди. Натижада 5000 дона атрофида юқори унумли ғилдиракли ва занжирли хайдов тракторлари плуглари билан ва ғалла ўриш комбайнлари олиб келиниб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Кейинги беш йил давомида жами 11772 дона (8%) тракторлар, шу жумладан, хайдов тракторлари 1821 дона (13%), чопиқ тракторлари 6705 дона (14%), культиваторлар 3288 дона (12%), чигит экиш сеялкалари 1302 дона (10%), юқори унумли ғалла ўриш комбайнлари 831 дона (17%), ўт-ўргичлар 610 дона (44%), зичлаб-боғлагичлар 188 дона (37%) янгидан сотиб олиниб, МТПлар ва фермер хўжалиқларининг техникалари янгиланди.

Ўтган йилнинг беш ойи мобайнида 700 донадан ортиқ ТТЗ тракторлари, 23 дона ТЛ-100, 58 дона ТS-6070, 42 дона АХОС-340С хайдов тракторлари, 192 дона культиватор, 567 дона чигит экиш сеялкаси, 200 дона Доминатор-130 ғалла комбайни, 281 дона ОВХ-600 пуркагичи, 308 дона трактор тиркамаси, 30 дона зичлаб-боғлагич, 119 дона ўт-ўргич ва бошқа техникалар, шулардан жами 2394 дона лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникалари истеъмолчиларга етказиб берилди.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда бажариладиган ишларни механизациялаш даражаси пахтачиликда 70-75 фоизни, ғаллачиликда 85-90 фоизни, боғ ва узумчиликда 50-55 фоизни, сабзаёт-полизчиликда 70-75 фоизни ва ем-хашак тайёрлашда 80-85 фоизни ташкил этади.

Пахтачилик-ғаллачилик соҳасини хайдов тракторлари билан таъминланганлик даражаси 104 фоизни, чопиқ тракторлари - 110, чигит сеялкалари - 102, культиваторлар - 85, ер текислагичлар - 75, ғалла ўриш комбайнлари 101 фоизни ташкил этмоқда. Айниқса, фермер хўжалиқларини техникалар билан таъминлаш даражаси кейинги 10 йил давомида 5-8 мартага кўпайди. Масалан, 2000 йилда фермер хўжалиқларидаги хайдов тракторлари жами мавжуд хайдов тракторларининг 13 фоизини, чопиқ ва транспорт тракторлари - 14, трактор тиркамалари - 7, чигит экиш сеялкалари - 2, культиваторлар 6 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар 2010 йилга келиб 30-55 фоизни ташкил этди ва бошқа техника воситаларидан ҳам қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик экинлари (пахта, ғалла)дан маҳсулот етиштиришда амалда кўплаб юқорида санаб ўтилган тракторлар ва улар билан агрегатланиб ишлатилаётган қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланилмоқда. Жумладан, тупроқни уруғ экишга тайёрлаш, уруғларни экиш, экинларни парваришлаш, етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиб ташишда механизациялашган ишлар ёрдамида техника воситалари бевосита иштирок этмоқда.

Иш жараёнида техника воситаларининг юриш қисми орқали тупроққа ўзининг технологик таъсирини ўтказиши.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тупроқдаги энг яхши сув-ҳаво режими, физик ҳолатлар, микробиологик шарт-шароитлар ва экинларнинг (ғалла, ғўза ва бошқа) яхши ривожланиши ва озикланиши учун қулай шароит тупроқ ҳайдов қатламини зичлиги 1,0-1,3 г/см<sup>3</sup> оралиқда бўлганда вужудга келади.

Кейинги пайтларда илмий-техник адабиётларда ва маҳаллий нашриётларда амалиётчи мутахассисларнинг чиқишлари орқали мамлакатимизда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини етиштиришда тупроққа оғир техника воситалари билан ишлов бериш жараёнида унинг ҳосилдорлиги камайиб кетаётганлиги тўғрисида ташвишли фикрлар билдирилмоқда. Кўплаб муаллифлар экинларнинг ҳосилдорлигини яъни, тупроқ унумдорлигини камайишига сабаб қилиб унинг оғир ғилдиракли трактор, қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда транспорт воситаларининг юриш қисми таъсирида тупроқни меъёри (1-1,3 г/см<sup>3</sup>) дан ошиқ (1,4-1,7 г/см<sup>3</sup>) зичланишида деб баҳоланмоқда.

Тадқиқотларни кўрсатишича, техника воситалари юриш қисми (ғилдираклари, занжирлари) нинг тупроққа таъсири тупроқнинг ишлов берилган қатламидан ҳам чуқурга тарқалиши маълум бўлмоқда. Бунда ғилдирак изи юзалари экин экилган майдоннинг умумий юзасига тенглашади, техникаларни дала боши ва охиридаги бурилиб олиш майдончаларида эса бу кўрсаткич ундан ҳам кўпроқни ташкил этади.

Тупроқнинг зичлиги ва қаттиқлигини ортиши мос равишда тупроқнинг ишлов беришга қаршилигини ортиб кетишига олиб келади. Бунда қаршилиқни ортиши ҳаракатлантиргичли занжирли трактор изларида 25 фоизга, ғилдиракли тракторлар изларида 40 фоизга ҳамда юк автомобили ва тиркама (прицеп) лар ғилдираклари 65 фоизгача ортади. Натижада, тупроқни зичлиги 1,4-1,7 г/см<sup>3</sup> етади. Бунинг оқибатида ғилдирак излари тўғри келган жойда экилган уруғларнинг илдизи тупроқнинг чуқур қатламига кира олмайди ва униб чиқиш қийинлашади, ривожланиши ортда қолади. Тупроқнинг меъёридан ортик зичлашуви унинг сув-ҳаво ўтказиш қобилиятини ёмонлаштиради. Чигит 3-5 кун кечикиб унади, экин илдизларининг тупроққа чуқур киришига тўсқинлик қилиб, илдизлар горизонтал йўналишда ўсади, натижада ўсимликлар озуқалардан фойдалана олмаганлиги сабабли қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги 15-25 фоизгача камади.

Тупроқни ҳаддан ташқари зичлашуви оқибатида техника воситаларининг изларида сувнинг жадал оқиши (тупроқни бир текис намланиши ўрнига) натижасида кўплаб оқовага чиқиб кетиши, нишаблиги юқори жойларда тупроқни ювилиб кетиб эрозияга учраши, пастлик жойларда сув тўпланиб қолиши каби нохуш ҳолатлар кузатилади.

Тупроқ зичлигини меъёридан ошиши, тупроқнинг солиштира қаршилигини 1,5-1,8 марта, тупроққа ишлов бериш харажатларини 20-30 фоизга ошишига ва бу эса ёнилғи сарфининг ортикча сарфланишига олиб келади.

Техноген таъсирга учраган тупроқнинг лаборатория шароитидаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, унинг структурасида, табиий-кимёвий ва биологик хусусиятлари жиддий ўзгаришларга учрайди. Жумладан, ҳажмий оғирлиги ошади, сув-ҳаво алмашинуви каби кўрсаткичлари ёмонлашади.

Экинларнинг ҳосилдорлигини камайишига нафақат техника воситаларининг тупроққа салбий техноген таъсири балки бошқа кўплаб факторлар ҳам таъсир этади. Яъни тупроқдаги гумус улушининг камлиги (Ўзбекистон тупроқларидаги гумуснинг миқдори унинг умумий массасига нисбатан 0,7-0,9 фоизни, Олмония ва Голландияда – 4-4,6 фоиз, Украинада – 3,2 фоиз, Белоруссияда – 2,4 фоизни ташкил этади), экинларни суғоришда нотекис жойларда

сувнинг қўллаб қолиши, тизимли алмашлаб экишга риоя этмаслик, минерал ўғитлар, гербицид ва пестицидларнинг қўллаш кабилар киради.

Чет элларда, масалан Англияда техника воситаларининг тупроққа салбий техноген таъсири конун орқали тақиқланади.

Мустақилликдан олдин ушбу йўналишда маълум ишлар амалга оширилган. Жумладан, ҳаракатчан қишлоқ хўжалик техникаларининг ҳаракатлантиргичларини тупроққа таъсирини меъёрлари, уларни тупроққа таъсирини аниқлаш услублари ҳамда тупроқдаги энг катта меъёрий зўриқишни аниқлаш услуби [1] ишлаб чиқилган бўлиб, унда суғориладиган деҳқончиликнинг жумладан, пахтачиликнинг ўзига ҳос хусусиятлари инобатга олинмаган. Ушбу меъёрий ҳужжатлар асосан Европа ҳамда Болтиқбўйи, Украина ҳамда Белоруссия учун мос бўлиб, унда суғорилмай деҳқончилик қилинадиган тупроқларни ўрганиш кўзда тутилган ва ушбу минтақаларда техника воситаларининг тупроққа салбий таъсирини камайтириш борасида кенг қамровли жиддий илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган Ўзбекистон шароитида эса, асосан ғўза қатор ораларига ишлов бериш даврига кўпроқ эътибор қаратилиб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Чунки бу пайтларда асосан ерни ҳайдаш ва экишга тайёрлашда пахтачилик шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ЎЗМЭИ агротехник талаблари асосида яратилган занжирли умумий ишларга мўлжалланган Т-4А тракторлардан кенг фойдаланилган. Маълумки, занжирли тракторлар ғилдиракли (К-700, Т-150К ва бошқалар) тракторларга нисбатан тупроққа бир неча бор кам босим кўрсатади.

Ўзбекистон шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосан тупроқни меъёридан ортиқ зичланганлиги оқибатларини бартараф этиш учун чуқур юмшатгичлар яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш йўналишида ишлар олиб борилган. Қатор ораларида ишлатилаётганда чопиқ тракторлар ғилдиракларига тупроққа аввалгиларига нибатан камроқ босим берадиган шиналар танланишига ҳамда қатор ораларидаги тупроқни иложи борица чуқур культивациялаш орқали амалга оширишга қаратилган.

Мамлакатимиз ва чет эл олимларининг тадқиқотлари шуни билдирмоқдаки, оғир ғилдиракли тракторлар ғилдиракларининг таъсири тупроқни 1 м ва ундан ҳам чуқур қатламларга тарқалишини кўрсатмоқда. Тупроқни ҳар 3-4 йилда бир маротаба 50-60 см чуқурликда юмшатиш ёки қатор ораларини 20-25 см чуқурликда культивация қилиш орқали тупроқни чуқур қатлами (“плуг товони”) ва ундан чуқурдаги тупроқ зичлашувини мақбул даражага келтириш мумкин.

Техника воситаларининг тупроққа техноген таъсирини кейинги ишлов бериш орқали бартараф этиш ҳам ҳозирги кун талабларига мутлақо тўғри келмайди ва кўплаб моддий-техник ресурсларни жалб этишни яъни, қўшимча сарф-харажатларни талаб этади ва маҳсулот таннархини ошишига олиб келади. Чет элларда ҳатто уларнинг тупроқлари гумусга бой (2,4-4,6 фоиз) бўлишига қарамай тупроқни экишга тайёрлашда ва экишда резина-занжирли ёки олд-орқа ғилдираклари ерга кам босим берадиган энли жуфтланган, учтадан ғилдираклар ўрнатилган тракторларга тақилган кенг қамровли (камида 8 қаторли, 12,16,24 қаторли) ёки бир ўтиш 5-6 технологик жараёнларни бажарадиган машиналарда амалга оширилмоқда. Хориж қишлоқ хўжалигида тупроққа (нуль энг кам тупроққа ишлов берувчи, тупроқ унумдорлигини сақловчи) технологиялар ишлов беришнинг энергия ресурс ва сувни тежовчи, кам харажатли, тупроқни авайлаб-асраб, озуқа билан бойитувчи замонавий технологиялар кенг жорий этилмоқда.

Ўзбекистон тупроқлари учун экинлар ҳосилдорлигига техника воситаларининг техноген таъсирини баҳолаш мезонлари ҳанузгача аниқланмаган. Тупроқ ҳолатини аниқловчи кўрсаткичлардан бири бўлган тупроқ зичлигини аниқлаш орқали экинлар илдизини ривожланишига “қулай” ва “ноқулай” шароит яратилган деб баҳолаб келинмоқда.

Россия ва МДХ давлатларининг Европа қисми тупроқлари учун техника воситаларини тупроққа таъсирини комплекс баҳолаш учун ҳисоблаш йўли билан аниқладиган таъсир этиш кўрсаткичи  $U$  (кН/м) ва ушбу кўрсаткичнинг экинлар ҳосилдорлигига таъсир этмайдиган рухсат этилган қуйи чегараси [75 кН] аниқланган [2].

Пахтачиликда қўлланилаётган техника воситаларининг занжири ва ғилдирагини тупроққа таъсирини Excel ҳисоблаш дастури асосида махсус ишлаб чиқилган алгоритм асосида компьютерда ҳисоблаш ишлари ўтказилди ва натижада занжирли ва ғилдиракли ер ҳайдаш машина-трактор агрегатлари (МТА) ҳамда ғилдиракли трактор асосида шакллантирилган экиш ва қатор ораларига ишлов бериш агрегатларини таъсир кўрсаткичлари рухсат этилган чегарадан юқори эканлиги аниқланди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида келтирилган мезонлар суғорилиб деҳқончилик олиб боришнинг ўзига хос томонларини инобатга олмайди. Охириги пайтда олиб борилаётган тадқиқотлар техника воситалари ғилдиракларига мавжуд шиналар ичидан тупроққа нисбатан камроқ таъсир этадиганини танлаб олишга қаратилган.

Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулоса келиб чиқади:

1. Суғориб деҳқончилик қилинадиган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган техника воситаларининг юриш қисмини тупроққа таъсирини баҳолаш мезони ва унинг экинлар ҳосилдорлигига таъсир этмайдиган рухсат этилган қуйи чегараси ҳанузгача ишлаб чиқилмаган.

2. Мавжуд мезонларга асосланиб баҳоланганда ҳам аксарият асосий технологик жараёнларни бажараётган машина трактор агрегатлар тупроққа салбий таъсири яққол намоён бўлмоқда, бу албатта тупроқ экологиясини бузади, кўшимча сарф-харажатларга сабаб бўлади ва унинг унумдорлигини йилдан-йилга пасайиб боришига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлар тупроқ экологиясини муҳофаза қилиш комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш зарур.

Биринчи навбатда техника воситаларини мамлакатимизнинг барча типдаги тупроқларига мос тупроққа таъсирини баҳолаш мезонини, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига таъсир этмайдиган яъни, рухсат этиладиган қуйи чегарасини аниқлаш лозим.

Иккинчидан, мамлакатимиз турли минтақалари тупроқларининг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассам этган техника воситаларининг тупроққа таъсирини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш зарур.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида мавжуд техника воситаларини танлаб олинган баҳолаш мезони ва рухсат этилган чегара орқали табақалаштириш.

Тўртинчидан, табақалаштириш асосида тупроқ экологиясига таъсир этувчи омилларни камайтиришнинг агротехник, технологик ва конструкторлик усулларини қўллаб такомиллаштириш.

Бешинчидан, республикамиз турли иқлим ва тупроқ майдонларида турли экин маҳсулотларини етиштираётган деҳқонларимизга замонавий мавжуд техникалардан фойдаланиш самарали усуллари бўйича ягона интеграллашган тизимини яратиш зарур.

Интеграллашган тизим эвазига, республикамиз деҳқонлари, соҳа мутахассислари қаерда бўлишларидан қатъий назар, тупроқни тури ва физик ҳолати, трактор тури ва юриш қисмининг конструкциясига ҳамда экин турига қараб тавсиялар асосида ўз фаолиятларини амалга оширишлари мумкин бўлади. Бу эса деҳқончилик ишлаб чиқаришида самарадорликни оширишнинг, тупроқнинг экологик ҳолатини сақлашнинг ва қишлоқ хўжалик техникаларини тупроққа салбий таъсири оқибатларини олдини олишга асосий мезон бўлиб хизмат қилади [3,4,5,6].

#### Адабиётлар

- [1]. Техника сельскохозяйственная мобильная Нормы воздействия движителей на почву, Методы определения воздействия движителей на почву, Метод определения максимального нормального напряжения в почве. – Москва, Издательство стандартов. 1986. – 23 с.
- [2]. Ксеневиц И.П., Скотников В.А, Ляско М.И. Ходовая система-почва урожай. – М, «Агропромиздат» 1985. – 304 с.
- [3]. Тўхтақўзиев А., Туланов И., Батуринов В. Оценка уплотняющих воздействий на почву ходовых систем хлопковых МТА // Қишлоқ хўжалигида экологик муаммолар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Бухоро, 2006, -Б. 11-14.
- [4]. Раззоков Х. Қишлоқ хўжалик техникаларининг тупроққа салбий таъсирини камайтириш усули // Қишлоқ

- хўжалигида техника ва технологиялар сервисини ривожлантириш истиқболлари. Республика илмий-техник конференцияси маъруза тезиси. Қарши, 2010. – Б.71-72.
- [5]. Туланов И., Солиев Х., Зайнутдинов З. Производительность и экология //Иновация ғоя, технология ва лойиҳаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш муаммолари мавзусидаги. Республика конференцияси илмий ишлар тўплами. Жиззах, 2010 йил 14-15 майи, - Б. 178-179.
- [6]. Туланов И., Тўхтабоев М., Зайнутдинов З. Замонавий ҳаракатчан техника воситалари ва экология // ТАЙИ хабарномаси, Тошкент, 2010. - №2, - Б. 110-115.

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ИННОВАЦИОН ТЎГАРАКЛАР ФАОЛИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ж.Х. Камбаров, М.М. Турдалиева  
Фаргона политехника институти  
(Қабул қилинди 9.01.2014 й.)

Ушбу мақола корхоналарда инновацияни самарали ташкил этиш механизмини юритишга мўлжалланган бўлиб, унда миллий инновацион тизимнинг хусусиятлари, афзалликлари ва уни такомиллаштириш тамойиллари ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида илмий жиҳатдан асосланган.

**Таянч сўзлар:** инновация, инновацион фаолият, миллий инновацион тизим, сифат тўғараклари, инновацион тўғарақлар, самарадорлик, мотивация.

Данная статья направлена на эффективную организацию инновационных систем в предприятиях, в которой опираясь на опыт развитых стран научно обосновано особенности, преимущество национальной инновационной системы и принципы её усовершенствования.

**Ключевые слова:** инновация, инновацион деятельность, национальная инновационная система, кружок качества, инновационный кружок, эффективность, мотивация

This article aims at the efficient organization of innovation systems in the enterprises, the article based on the experience of developed countries, scientifically proven features, preferences of the national innovation system and the principle of its improvement

**Key words:** innovation, innovation activity, national innovation system, quality circle, innovation circle, effectiveness, motivation

XXI асрнинг бошларида фан ва технология иқтисодий ўсиш суръатининг жуда кучли рақобат устунлигига ва миллий иқтисодиётнинг ички заҳираларидан бирига айланди. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва янада кучайтириш учун инновацион ишланмалар, янги технологиялардан янада фаолроқ фойдаланиш талаб этилади, сабаби замонавий технологик ишланмаларни жорий этиш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди, рақобатбардошликни ошириш имкониятларини яратади.

Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни саноат тармоқларига жадал жорий қилиш орқали жаҳон хўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва саноат ишлаб чиқариш таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур.

Миллий инновацион тизим – миллий иқтисодий тизимнинг бир қисми бўлиб, унинг фаолияти инновацияни ишлаб чиқувчи ва ривожлантирувчи институтлар фаолияти жамланмасидан ташкил топган, у иқтисодий механизм комплекси ҳамда фаолият турларини инновацион жараёнлар билан таъминлайди.

Миллий инновацион тизимни ташкил этишнинг ўзига хос иқтисодий афзалликлари мавжуд ва улар қуйидагилардан иборат:

**1.** Узоқ муддатли иқтисодий ўсиш. Миллий инновацион тизимни ташкил этиш стратегик масала бўлиб, у узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва унга таъсир қилувчи таълим, молиявий таъминот, инновациянинг ҳуқуқий асослари каби бир қатор йўналишларни олади. Ушбу тизимни давлатнинг иқтисодий сиёсат соҳасидаги узоқ муддатли режалари асосида ишлаб чиқилади. Бунда миллий инновацион тизим давлатнинг истиқболдаги иқтисодий ўсишида асосий омиллардан бирига айланади.

**2.** Иқтисодиётда ички сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун янги тармоқларни ташкил этиш. Миллий инновацион тизимни жорий этиш макроиқтисодиёт учун инновацион маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқувчи, кадрлар тайёрловчи, уларнинг малакасини оширувчи, инновациялар трансферини амалга оширишга кўмаклашувчи ҳамда

уни тижоратлаштирувчи янги тармоқ корхоналарини жорий этиш талабини кўяди. Бу миллий иқтисодиёт тармоқларида тармоқ диверсификациясига олиб келади.

**3.** Эркин-иқтисодий ҳудуд. Миллий инновация тизимини ташкил этиш иқтисодий преференцияларни кучайтириши ва протекционизмга барҳам бериш масаласини кўяди. Бунга эркин иқтисодий ҳудудларни тузмасдан эришиб бўлмайди. Эркин-иқтисодий ҳудудларни ташкил этилиши ташқи ишлаб чиқарувчилар томонидан мамлакат бозорлари интервенцияси хавфини кучайтиради. Бу эса ички ишлаб чиқарувчиларидан инновацияларни корхона миқёсида амалга ошириш мажбуриятини кўяди. Натижада миллий инновация тизими ички механизмлар асосида жонланади.

**4.** Субъектларнинг барча даражадаги инновацион фаолияти рақобатбардошлигини ошириш. Давлат миқёсида инновацияларни рағбатлантириш тизимининг вужудга келиши ва корхоналар томонидан инновация фаолиятига қизиқишнинг ортиши бозордаги рақобатни кучайтиради. Натижада корхоналар ихтиёрий равишда инновация фаолиятини ташкил этишга киришадилар. Инновация фаолиятининг ихтиёрий манфаатлар асосида ташкил этилиши нафақат маҳсулотлар ўртасидаги рақобатни, балки, инновацион ютуқларга эришиш рақобатини ҳам вужудга келтиради.

**5.** Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш. Миллий инновацион тизимнинг жорий этилиши натижасида мамлакатнинг макроиқтисодий рақобатбардошлиги ортиб боради. Яъни, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ортиши натижасида давлат томонидан хорижий давлатларга чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, мамлакат ҳудудига хорижий давлатлардан кириб келаётган маҳсулотлар миқдорини камайишига олиб келади.

**6.** Глобал муаммоларни ҳал этиш. Миллий инновацион тизим ресурслардан самарали фойдаланиш ва иқтисод қилишни рағбатлантирган ҳолда, аҳолининг янги товарларга бўлган эҳтиёжини пропорционал қондиради. Бунда тақчил ресурслар билан аҳоли эҳтиёжларини самарали қондиришнинг натижавий қоидалари ишлаб чиқилади. Бундай ёндошув глобал муаммоларни ҳам ҳал этилишига олиб келади.

**7.** Иқтисодий интеграцияни кучайтириш. Ҳар қандай иқтисодий ривожланиш қонуниятларини бошқа давлатлардан ажралган ҳолда амалга ошириб бўлмайди. Миллий инновацион тизимни ташкил этилиши энг аввало бошқа давлатларни бу борадаги тажрибаларини ўрганишни, улар билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишни ва инновацион лойиҳаларни инвестициялашга кўмаклашишни назарда тутади. Ушбу ҳолат давлатлар ўртасидаги интеграцияни ҳам ривожлантиради.

Иқтисодий афзалликларга эришиш орқали давлатнинг макроиқтисодий барқарорлиги таъминланади, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади, янги иш ўринлари яратилади, субъектлар ўртасидаги рақобатбардошлик даражаси ошади.

Миллий инновацион тизимни ташкил этишнинг иқтисодий афзалликларидан келиб чиқиб, тизимни шакллантиришнинг ўзига хос тамойиллари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат :

**Биринчидан**, иқтисодиёт ривожланишининг миллий инновацион тизимга ўтиши, миллий иқтисодиётни жаҳон бозорининг маълум қисмини эгаллашининг асосий омилларидан биридир.

**Иккинчидан**, мамлакатнинг маълум бир мақсадга йўналтирилган ва илмий-техникавий, интеллектуал ва саноат имкониятидан самарали фойдаланиш кўзда тутилган чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш.

**Учинчидан**, миллий инновацион тизимни ривожланишида халқаро тажрибаларни ўрганиш ва ундан иқтисодий ўсишнинг инновацион фаоллигини ошириш.

**Тўртинчидан**, инновацион фаолият инфратузилмасини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича институтционал муҳитнинг давлат томонидан яратилиши.

**Бешинчидан**, макроиқтисодий барқарорликни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимни назарий-методологик асосларини меъёрий ҳуқуқий базани яратиш ҳисобига шакллантириш ва турли йўриқномалар, услубий, қўлланма ва амалий

тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Иқтисодиётда инновацион тараққиётни жадаллаштириш ва уни янада такомиллаштириш турли усуллар орқали амалга оширилади (1-жадвал).

*1-жадвал*

**Дунё мамлакатлари миллий инновацион тизимларини ташкил этиш йўналишлари [1]**

Инновацион тизимни ташкил этиш йўналишлари	Ўзига хос жиҳатлари	Мамлакатлар
Миллий инновацион тизимлар таркибини оптималлаштириш	Инновациялар соҳасида бошқарув ва режалаштириш давлат тизимини оптималлаштириш	Япония, Норвегия, Ҳиндистон, Чили
	Фан ва инновацион соҳаларни давлат томонидан молиялаштирилишини оптималлаштириш	АҚШ, Франция, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция, Тайвань, Австралия
	Фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш	Буюк Британия, Швеция, Словения
Мамлакат ичида фан (университетлар) ва бизнеснинг инновацион кооперациялашувини кўллаб-қувватлаш	Университетлар ва корпорацияларнинг симметрик яқинлашувини кучайтириш	АҚШ, Финляндия
	Инновациялар соҳасига давлат томонидан йирик маблағлар ажратиш ва миллий хусусий капитални жалб этиш	Исроил, Финляндия
	Инновациялар соҳасида хорижий капиталларни жалб этиш орқали хусусий секторнинг инновацион фаоллигини рағбатлантириш	Буюк Британия, Ирландия, Хитой, Корея, Малайзия, Индия, Исроил
	Илмий секторнинг инновацион ташаббускорлигини кўллаб-қувватлаш	Германия, Япония, Янги Зеландия, Дания
Халқаро инновация тармоғига интеграциялашиш	Комплекс интеграция	Финляндия, Исроил, Нидерландия, Хитой
	Технологикихтисослашув	Корея, Малайзия, Сингапур, Тайвань, Ҳиндистон
Ички инновацион тармоқларни ривожлантириш	Инновациялар соҳасида алоқалар ўрнатиш учун алоҳида шарт-шароитлар яратиш	АҚШ, Норвегия, Ирландия
	Маҳаллий минтақалар ташаббусларини кўллаб-қувватлаш	Франция, Германия, Финляндия
Миллий инновацион тизим яратиш	Давлат, фан соҳаларини қайта қуриш	Болгария, Польша, Литва
	Фан ва таълим интеграциялашувини кўллаб-қувватлаш	Латвия, Эстония, Чехия
	Кичик ва ўрта бизнесни инновацион соҳага жалб этиш	Руминия, Чехия, Словакия, Латвия, Эстония, Туркия, Чили
	Юқори технологиялар соҳасига оид экспортнинг устувор йўналишларни белгилаб олиш	Чехия, Руминия, Чили, Туркия

Ушбу мамлакатларнинг барчаси ривожланган ижтимоий-иқтисодий муҳит яратиш йўлидан бормоқдалар, сабаби фақат шу йўналишда инновацион муҳит қарор топиши мумкин.

Дунё мамлакатлари орасида инновацион муҳит самарали ташкил этилган давлатлардан бири Япония ҳисобланиб, унинг ривожланиши асосида маҳсулот сифатига бўлган тизимли ёндошув туради. Бунда, илк пойдеворни Токио университети профессори Каору Исикава 1962 йилда “Сифат тўғараги” концепциясини ишлаб чиқиш билан қўйган эди. Японияда бу соҳа кейинги йилларда жуда ҳам оммалашиб борган ва юз минглаб тўғарақлар ташкил этилган. Мазкур тўғарақларнинг самараси маҳсулот сифатини оширишга йўналтирилган бўлиб, маҳсулот сифатини кам харажат эвазига ошириш тадбирлари ишлаб чиқилган ва рағбатлантирилган [2].

Республикамиз саноат корхоналарига ҳам шундай тўғарақлар самарасидан фойдаланишни тавсия этилади. Мазкур тўғарақлар фақатгина сифатни эмас балки, инновацияга алоқадор бўлган барча фаолиятни тадқиқ этади. Уни “Инновацион тўғарақлар” деб аташ мумкин.

**Инновацион тўғарақлар қуйидаги хусусиятларни эътиборга олиб ташкил этилади:**

- тўғарақ кўнгиллилик тамоили асосида ташкил этилади;
- унинг аъзолари корхонанинг энг илғор, тажрибали ва ёш билимли ишчиларидан иборат бўлади;
- инновацион тўғарақларда қатнашувчилар сони корхонанинг катта ёки кичиклигидан келиб чиқиб беш нафардан 50 нафаргача бўлиши мумкин;
- ўн нафардан ортиқ аъзолари бўлган корхоналарда тўғарақ гуруҳлар бўйича бўлинади;
- тўғарақ етакчилари бригадир, мастер, усталардан иборат бўлади;

**Инновацион тўғарақ қуйидаги масалаларни кўриб чиқади:**

- Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, товар ва хизматларни сифатини ошириш ва таннархини камайтириш тадбирлари;
- Фойдаланилаётган асосий воситалар, техника ва жиҳозларнинг самарадорлигини ошириш тадбирлари;
- Меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, корхонада ижобий меҳнат муҳитини шакллантириш ва меҳнат жараёнларини автоматизация ҳамда механизациялаш тадбирлари;
- Ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнини унификациялаш;
- Меҳнат меъёрларини танқидий қайта кўриш ва зарурий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Технологик жараёнларни оптималлаштириш билан боғлиқ йўриқнома, регламент ва низомлар тайёрлаш;
- Ишлаб чиқариш жараёнини илмий ташкил этиш мақсадида таълим, ишлаб чиқариш ва инновация учлиги билан боғлиқ масалаларни такомиллаштириш;
- Паст рентабел ишлаб чиқаришларни тугатиш ва ш.к.

Инновация тўғарақлари аниқ иш режа асосида фаолият олиб боради. Ҳар бир дебатлар, муҳокамалар мавзулари етакчилар томонидан аввалдан аъзоларга тарқатиб, кун тартибидаги мазкур масалалар юзасидан уларга тайёрланишга имконият туғдирилади.

Корхона белгилаб олган муайян мақсадини амалга ошириш учун мавжуд кадрлар салоҳиятининг ҳамда меҳнат мотивациясининг талаб даражада эканлигини баҳолаши муҳим аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, мотивлаштириш - бу кишилар фаолиятини руҳий йўллар билан мақсадга мувофиқ йўналтириш. Шу ўринда инновацион тўғарақларни ташкил этишдан олинган самарадорлик даражаси юқори бўлиши учун ҳар бир корхона раҳбари янгиликларни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб бориши зарур. Қўл остидагилар раҳбарни нечоғли қўллаб-қувватлашмасин, у ўзининг ишончини ва ташаббусини рағбатлантиришдан манфаатдор эканлигини ифода қилган тақдирдагина уларнинг фаолияти намоён бўла бошлайди.

**Инновацион тўғарақлар самарадорлиги қуйидагича тавсифланади:**

- Тўғарақ фаолиятини амалиётга тадбиқ этиш бўйича даврий қўлланмалар тайёрланиб ишчиларга фойдаланиш учун тарқатилиб боради;
- Ишчиларни ижодий қобилиятини намоён этиш имконияти вужудга келади;

– Корхонанинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, инновациялар трансфери амалга оширилади;

– Меҳнат муҳити, муносабатлари яхшиланади. Ишчиларни ҳамжиҳатликда илмий фаолият билан шуғулланиши жамоавий муҳитга ижобий таъсир кўрсатади;

– Кам харажат ҳисобига фойдани ошириш имконияти вужудга келади.

Инновацион тўғараклар фаолиятини саноат корхоналарида тўғри ташкил эта олиш бошқарув қарорлари самарадорлигини оширибгина қолмай, менежментнинг кам харажат кўп самарадорлик тамойилига тўла амал қилади. Уни саноат корхоналарига тадбиқ этиш республика иқтисодиётини юксалишига, бошқарувни илмий ташкил этишига муносиб таъсир кўрсатади.

#### Адабиётлар

- [1]. Зверев А.В. Формирование национальной инновационной системы: мировой опыт и российские перспективы //Диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.05 – «Экономика и управление народным хозяйством (макрэкономика); (управление инновациями и инвестиционной деятельностью)» М.: 2009 г.
- [2]. Тошпўлатов З. Развития экономики Республики Узбекистан(на пример промышленности) //Диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.05 – «Экономика и управление народным хозяйством (макрэкономика); (управление инновациями и инвестиционной деятельностью)» Т.: 2012 г.

УДК 658.8.01

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА РЕКРУТИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

А. Ташпулатов, А.С. Хожаев

Фарғона политехника институти, [aibek.1960@mail.ru](mailto:aibek.1960@mail.ru), [imf\\_azizi83@mail.ru](mailto:imf_azizi83@mail.ru)  
(Қабул қилинди 17.02.2014 й.)

*Мақолада рекрутинг тушунчасининг моҳияти, унинг амалий аҳамияти, Фарғона вилоятида рекрутинг фирмаларини ташкил этиши ва хизматлар бозорини ривожлантириш масалалари ёритилган.*

**Калит сўзлар:** аҳоли, иш билан бандлик, рекрутинг, ишчи кучи, рекрутинг ташкилоти, рекрутинг хизматлари

*В статье освещены значение понятия рекрутинг, его практической значимости, вопросы организации фирм и развития рынка услуг в Ферганской области.*

**Ключевые слова:** Население, работа, рекрутинг, рабочая сила, рекрутинговые организации, рекрутинговые услуги

*The significance of the concept recruiting, its practical importance, organization of recruiting firms and development of service market in Ferghana region is enlightened in the article*

**Key words:** Population, employment, recruiting, labor force, recruiting, organization, recruiting services.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминловчи самарали механизмлардан бири меҳнат бозорини мақсадга мувофиқ шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуни, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимиз меҳнат бозоридаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади.

Ўзбекистонда аҳолини айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Мазкур йўналиш ҳақида Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов ўз

маърузаларида: “Ўтган йили аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва социал соҳани ривожлантириш масалалари фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллади. Янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда. Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди” [1].

Миллий иқтисодиётни барқарорлиги ва ривожланиши мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Ишчи кучи потенциални уларнинг малакасига мувофиқ тарзда иқтисодиёт тармоқлари ва минтақалари бўйича мутаносиб равишда тақсимланишида давлат идоралари билан бир қаторда бозор институтларидан унумли фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистонда амалдаги қонунчиликка мувофиқ аҳолини ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган фирмаларни ташкил этилиши таъқиқланмаган. Аммо мазкур фаолият билан шуғулланадиган фирмаларни ташкил этиш, ривожлантириш ва уларнинг кенг тармоғини, яъни рекрутинг хизматларини ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

“Рекрутинг” – байналминал иборалар туркумига кириб, асосан Ғарбий Европа мамлакатларида қўлланилиб келинган “рекрутмент” (лотинча *recrutment*) сўзидан олинган. Дастлаб Германия ҳарбий қисмларида ўз сафларига янги жангчиларни жалб этиш билан боғлиқ жараёнларни рекрутмент деб аташган. Мазкур фаолият билан махсус шуғулланадиган ходимлар – “рекрутерлар” деб юритилган. Улар мамлакат ҳудудида, жанг бўлаётган жойларда ёш, чиниққан, бақувват йигитларни излаб топиш ва уларни ихтиёрий равишда ҳарбий бўлинмалар сафига жалб этиш билан шуғулланишган. Рекрутмент деганда ҳарбий хизматга янги хизматчиларни жалб этиш, сафларни янгилар билан тўлдириш, шахсий таркибни шакллантиришда тушунилган. Ушбу сўзнинг замонавий шарт-шароитларда ишлатилиши “ходимларни танлаш жараёни” деган маънони англатади.

Рекрутинг хизматлари минтақадаги ижтимоий-социал муаммолардан ҳисобланган иш билан бандлик масаласига яқиндан ёрдам бериши уни бугунги кунда ўрганишнинг долзарблигини белгилайди.

Рекрутинг ташкилоти – бозор иқтисодиёти институтларидан бири ҳисобланиб, меҳнат бозоридаги воситачи шахс бўлиб, иш берувчиларга ходимлар излаш ва танлаш ҳамда иш ўринларига талабгорларга иш қидириш ва ишга жойлаштириш хизматларини кўрсатишга ихтисослашган тижорат ташкилотидир. Миллий меҳнат бозорида ва минтақаларда рекрутинг хизматларини ташкил этилиши бир томондан, аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга, иккинчи томондан эса хусусий бизнесни ташкил этиш орқали тадбиркорлик қобилиятларини намоён этишга шарт-шароит яратади.

Шу маънода, аҳолиси зич жойлашган Фарғона вилоятида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи хусусий бизнес субъектларини ташкил этилиши ва самарали фаолият кўрсатиши билан боғлиқ меъёрий–ҳуқуқий ва ташкилий масалаларни илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов 2012 йил йил 14 декабрь куни халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганидек: “Бугунги кунда энг ўткир масалалардан бири бўлмиш одамларни иш билан банд қилиш мақсадида Фарғона вилоятида амалга ошираётган ишларни янада жадаллаштириш, унинг самарасини ошириш, биринчи навбатда коллежларни битириб чиқаётган ёшларни эгаллаган касб-хунарига қараб иш билан таъминлаш борасида ҳам кўп иш қилишимиз керак” [2].

2013 йилда вилоятда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 58 мингтасидан 7 мингтаси ёки 12 фоизи ишга жойлаштирилмай қолган. Ушбу кўрсаткич вилоятдаги фаол аҳоли сонига нисбатан 0.34 фоизни ташкил этади. Агар аҳолини бандлиги ва ялпи ички

маҳсулот ўсиши ўртасидаги боғлиқлик 1:2.5 нисбатдалигини ҳисобга олсак, у ҳолда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг умумий ҳажми 0.85 фоизга ёки 2013 йилда унинг ҳажми ўртача 60 млрд сўмга ортиши мумкинлигини таъкидлаш мумкин.

Демак, ушбу муаммонинг тўғри ечимини топиш, ҳар қайси одамнинг кучи ва қobiliятига яраша иш топиб бериш, шу орқали уларни даромад билан таъминлаш ҳисобидан ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, аввало қишлоқда яшайдиган аҳолининг бандлик кўрсаткичларини ошириш асосида уларни турмуш даражасини юксалтиришга эришиш мумкин.

Кўриниб турибдики, иш билан бандлик масалалари алоҳида ўринни эгаллаб, рекрутинг хизматлари бозорининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, меъёрий-ҳуқуқий асослари ва амалий жиҳатлари деярли ишлаб чиқилмаган. Аммо миллий қонунчиликда мазкур хизматларни чекловчи тартиб-қоидалар ёки меъёрлар белгиланмаган. Шу нуқтаи-назардан, ҳам ижтимоий-социал вазифаларни ҳам тадбиркорликни ривожлантиришдаги вазифаларни ҳал этишга кўмаклашадиган рекрутинг бизнес субъектларини шакллантириш ва ривожлантириш долзарб илмий аҳамиятга молик муаммо, деб ҳисоблаймиз.

Рекрутинг ўтган асрнинг 50-йилларида АҚШда, кейинчалик эса мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ривожлана борди. Ўзбекистонда ёлланма ходимлар ва иш берувчилар ўртасида воситачилик билан шуғулланувчи фирмаларнинг фаолияти XXI асрнинг дастлабки йилларида бошланган. Ҳозирги кунда мазкур йўналишларда фаолият кўрсатаётган агентликлар асосан Тошкент шаҳрида очилган бўлиб, улар қаторига “Армант”, “EmiliyaBaraka”, “Interdialog”, “Univestaff” ва “HRrecruitmentcompony” агентликларини киритиш мумкин [3].

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти глобал тизимнинг ажралмас бўғини сифатида барча бозорлардаги каби меҳнат бозорида ҳам замонавий ўзгаришлар, инновациялар ва янги технологияларга мослашувчан бўлишини табиий зарурият сифатида баҳолаш мумкин. Сўнгги 20 йилда ахборот-коммуникация тизимларини кескин ва шиддатли ривожланиши, интернет савдоларининг кенгайиши ва глобаллашуви ҳам меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф уйғунлашувига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Шу соҳада ўз фаолиятини ташкил этадиган бизнес субъектларининг хизматлар бозоридаги салмоғи ва муваффақияти борган сари ортиб бормоқда.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, биргина рекрутинг соҳасидаги фирмаларни ташкил этиш орқали ўнлаб малакали мутахассисларни иш билан таъминлашга эришиш мумкин бўлади. Мазкур фирмаларни институтлар қошида ташкил этиш ёки улар билан ҳамкорликда ташкил этиш эса, етук ва интеллектуал салоҳиятли кадрларни иш билан таъминлаш, вилоятдаги хизматлар бозорини янада ривожлантиришга сабаб бўлади.

Амалий жиҳатдан олганда, биринчидан, хусусий сектордаги бизнес субъектларини ташкил этиш орқали бозор иқтисодиётини янада ривожлантиришга, иккинчидан, ижтимоий жиҳатдан олганда кадрларни иш билан бандлиги таъминлаш масалаларини ижобий ҳал этишда, учинчидан, сиёсий жиҳатдан ишсизлик масаласини ҳал этишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Олиб борилган тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, рекрутинг фаолияти билан шуғулланувчи юқорида номлари келтирилган фирмалар асосан Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, уларнинг сони ҳам чекланган. Вилоятларда бундай фирмалар умуман ташкил этилмаган. Ушбу фирмаларни фаолиятини янада ривожлантириш орқали иш билан бандлик масалаларини ечимини топиш имконияти яратилади. Шунинг учун ҳам ушбу фирмага давлатнинг ижтимоий масалаларидан бири бўлган – ишсизликнинг олдини олишга қаратилганлиги сабабли, бир қатор имтиёзлар бериши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасида жорий йилда меҳнат соҳасига қарийб 500 минг нафар ёш йигит-қизлар – 2-3 тадан мутахассисликни ва иш кўникмаларини эгаллаган, олган билимларини иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида, хизматлар ва бошқарув жабҳасида қўллашга тайёр бўлган касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари кириб келади [4].

Жумладан, давлатнинг маълум вазифаларини бажараётганлиги сабабли мазкур фирмаларга: солиқ имтиёзлари бериш, имтиёзли (фоизсиз) тарзда кредитлар бериш зарур, мамлакатга олиб кирилаётган техника ва жиҳозлар учун божхона божларидан озод этилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Рекрутинг ташкилотларининг вазифалари уларнинг меҳнат бозоридаги фаолият сегментига кўра турлича бўлиши мумкин, аммо асосий фаолият йўналишлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Иш берувчи–бюртмачи топшириғига кўра касбий ва малакавий тайёргарлиги мувофиқ бўлган ходимларни излаш, аниқлаш ва танлаш;

2. Ёлланма ходим топшириғига кўра маълумоти, касби, ҳудуди, малакаси ва талаб қилинаётган меҳнат ҳақиға мувофиқ бўлган иш жойларини излаш, аниқлаш ва таклиф этиш.

3. Республика ёки алоҳида олинган ҳудуд бўйича мавжуд бўш иш жойларининг рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаб бориш;

4. Республика ёки алоҳида олинган ҳудуд миқёсида иш излаётган ёлланма ходимлар, олий ва ўрта-маҳсус таълим муссасаси битирувчилари тўғрисида маълумотлар базасини тузиш (унда ходимнинг касбий, малакавий ва шахсий жиҳатларини ўзида акс эттирган маълумотлар бўлиши ва ушбу маълумотларнинг сир сақланиши алоҳида эътиборга молик);

5. Меҳнат бозорида ходимларни излаб топиш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ бошқа хизматларни кўрсатиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакат ҳудудларида аҳолини ишга жойлаштиришга ихтисослашган фирмаларни ташкил этиш орқали давлат ижтимоий соҳалардаги вазифаларини бажаришга, жойларда хизматлар соҳасини янада ривожланишига, меҳнат бозоридаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилинишига эришилади.

#### Адабиётлар

- [1]. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Манба: [xs.uz/index.php/2013-05-07-22-23-02/6750-maruza-yil-yakuni](http://xs.uz/index.php/2013-05-07-22-23-02/6750-maruza-yil-yakuni).
- [2]. Интернет манба: <http://uza.uz/uz/politics/24690/>
- [3]. Бозор, пул ва кредит журнали 2013 йил 9 сон 57 б.
- [4]. Интернет манба: [xs.uz/index.php/2013-05-07-22-23-02/6750-maruza-yil-yakuni](http://xs.uz/index.php/2013-05-07-22-23-02/6750-maruza-yil-yakuni).

УДК 008:575.1

## ИНФОРМАЦИОН ТАҲДИДЛАР ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Н. Собиров, А. Акбаров, Ф. Ибрагимова

*Фаргона Давлат Университети*

*(Қабул қилинди: 22.03.2014 й.)*

*Мақолада информацион таҳдидларнинг ёшлар маънавиятига таъсири ва унга қарши гоявий тарбия масалалари ёритилади.*

**Таянч сўзлар:** *ахборот, телекоммуникация, ахборот технологиялари, ахборотлашган жамият, интернет, информацион таҳдид, “оммавий маданият”, фуқаролик позицияси, гоявий тарбия.*

*В статье освещаются информационные угрозы, а также принимаемые против них идеологические меры воздействия.*

**Ключевые слова:** *информация, телекоммуникация, информационная технология, информационное общество, интернет, информационные угрозы, “массовая культура”, гражданская позиция, идейное воспитание.*

*The informational threat and also receiving against them the measures ideological activities is stated in the article.*

**Key words:** *information, telecommunication, informational technology, informational community, internet, information warnings, “public culture”, civil position, ideologic education.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, узокни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат натижасида юртимиз иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Барча соҳаларда, жумладан ахборот ва телекоммуникация соҳасининг жадал ривожланаётганлиги ана шу изчилликнинг амалдаги самарасидир.

Ҳозирги даврда ахборот технологиялари жамиятнинг ҳамма соҳаларини эгаллаб, жамият ҳаётининг тобора замонавийлашувини, такомиллашувини таъминламоқда. Ахборот технологиялари фундаментал, ижтимоий гуманитар фанларнинг энг янги ютуқларидан унумли фойдалангани ҳолда барча фанларнинг мунтазам ривожига шарт – шароит яратди. Бунинг натижаси ўлароқ биотехнология, генмуҳандислиги (генинженерия) га асосланган қишлоқ хўжалиги, турли инновациялар, юқори технологияларга асосланган саноат ва телекоммуникация алоқалари ва компьютер технологияларига асосланган хизмат кўрсатиш соҳалари вужудга келди. Ҳозирги даврнинг мазмуни ва моҳияти файласуфлар томонидан интеллектуал билим даври ва “Билим ва тафаккурга асосланган” жамият деб аталаётгани ҳам бежиз эмас.

Демак, ахборотлашган жамият, интернет бугунги кунда бепоён ахборот майдонига айланди. Интернет инсон учун ўз илмий, мафкуравий, маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг жуда қулай шакли сифатида тан олинди. Интернет орқали инсон шахс сифатида ўзини намоён қилади, ўзини ҳар томонлама ижобий ривожлантириш имкониятларини яратади. Интернетда ҳар бир шахс ижод қилиши, илмий янгилик яратиши, интеллектуал имкониятларини намоён қилиши мумкин, ўзи истаганча чекланмаган ҳолда ўзининг шахсий камолоти ҳақида қайғуриши ва илмий, ижодий фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Илмий-фалсафий адабиётларда виртуал олам, ижобий маҳоратга эга шахс тўғрисидаги атамалар кенг қўлланилмоқда. Бу ўринда мавжуд шарт – шароитлар ахборот оламида эндигина ўз – ўзини намоён этиб келаётган ва ахборотларга мунтазам эҳтиёж сезадиган ёшлар, айниқса талаба ёшлар, ўсмирларга зарур бўлади.

Талаба ёшларнинг машғулотлардан бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ишларга сарф этишлари, интернет орқали дунё ва илм янгиликларини эгаллаш, турли лойиҳа ва тадбирларда иштирок этишлари уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширади. Уларнинг Ватан меҳри билан уйғун бўлишига эришади, Ватанга хизмат қилишга ундайди.

Бундан ташқари ахборот олами, интернет хабарлари ёшлар маънавиятига салбий таъсир этувчи мафкуравий таҳдидлардан ҳам ҳоли эмас. Кўз ўнгимизда содир бўлаётган ҳар қандай ахборот, турли фото, видео тасвирлар, ёвузликни тарғиб этадиган ўйин, фильмлар, маълумотлар, ватанимиз, ҳалқимиз, маданиятимиз, ҳукуматимиз тўғрисида ҳар-хил иғво ва бўҳтонлар ёзилган ахборотлар талаба ёшларимиз қўлларидаги телефонларда тобора оммалашаётганлиги барчамизни жиддий ташвишга солиши ва хушёрликка чақариши лозим.

Ана шундай информацион таҳдидлар ва уларнинг талаба ёшлар маънавиятига салбий таъсири ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Информацион таҳдидлар асосан талаба ёшлар маънавий оламига қаратилган бўлиб, уни издан чиқаришни, минг йиллар давомида шаклланган маънавий меросимизни йўқ қилишни, у орқали эса ёшларда фикр қарамлигини пайдо қилишни ўз олдида мақсад қилиб қўяди.

Ҳозирги даврда алоқа воситаларининг ривожланиши уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик телерадио алоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб кетиши сабабли ахборот алмашув, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Бир–бирига зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги келишмовчиликлар баъзан баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар,

оммавий қирғинларга сабаб бўлиши ҳар қандай давлат учун улкан таҳдид, катта хавф-хатардир.

Ана шундай информацион таҳдидлар шарқ маънавиятига, маданиятига сайқал берган буюк алломалар юрти ҳисобланган Ўзбекистонга ҳам раҳна солмоқда. Эрих Фромм ва Вильгельм Райхлар фикрлари шулар жумласидандир. Улар оила, ота-она обрўйини инкор этиш, мактаб ва ижтимоий институтларни тан олмаслик, тартибсиз жинсий алоқаларни қўллаш, томоша ва ҳар хил кўнгил очар беҳаё ўйинлар, фарзанд кўрмасликка ундаш, диний ва фуқаровий бурчларни менсимаслик, гомосексуал алоқалар, бир жинсли никоҳларни қўллаб-қувватлашга қаратилган оммавий маданият “дарслари”ни тарғиб қила бошладилар. Шунингдек, улар ҳозирги замон кишининг, яъни, ота-оналарнинг оила олдидаги, фарзандларнинг ота-она олдидаги мажбуриятлари, бошқа фуқаролар ва давлат, жамият олдидаги мажбуриятларидан халос этиш, гомосексуаллар ва бошқа маргинал гуруҳларни қонунлаштириш концепциясини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга қўллашга даъват қила бошладилар. Ҳозирда уларнинг ворислари-оммавий маданият мафкурачилари, анъанавий маданиятни ўзгартириш ва бошқариш орқали ўзларининг бузғунчилик ахлоқларини сингдириб, мамлакатларни маънавий таназулига учратиш мақсадларини амалга оширмоқдалар [1].

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларимиз, айниқса, талаба ёшларимизни носоғлом, бузғунчи ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар тақиқланади. Шунингдек, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари фаолияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги қонунларда беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётлар ва фильмларни тарқатишни чекловчи қатор нормалар мавжуд бўлиб, ушбу ҳолат бўйича жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланган [2].

Бугунги кунда ёшлар, хусусан, талаба ёшларимиз учун ҳар бир ёшнинг қобилиятлари ва имкониятларини намоён қила олишлари учун тўлиқ имкониятлар яратиш том маънода давлат сиёсатига айланди. Бунда ёшларни жисмонан бақувват, маънан баркамол, ақлан юксак, руҳан уйғоқ авлод қилиб тарбиялаш миллат ғояси сифатида илгари сурилди. Бунга зид равишда жаҳон ахборот бозорининг бизнинг манфаатларимизга зид бўлган миллий анъаналаримиз, турмуш тарзимизни, амалга ошираётган маънавий юксалишимизни менсимайдиган ахборотлар ҳам хуруж қилиб, ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда.

Демак, бу масалада ахборот хавфсизлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки ахборот хавфсизлиги ёшларнинг ахборот ва сўз эркинлигини рўёбга чиқаришда ҳаққоний маълумотларни тарқатиш, узатиш ва таҳлил қилиш билан таъминлайди. Бунинг акси ўларок, сохта ва ёлғон ахборотларни тарқатиш, узатиш ва тақдим этиш жамият ахборот хавфсизлигига зарар келтиради. Бундай ҳолат муайян хорижлик сиёсий кучларнинг мақсад-муддаосига айланиб бормоқда ва улар интернет имкониятларидан фойдаланиб қатор мамлакат ёки жамият ҳақида ёлғон маълумот ва ахборотлар тарқатилмоқда. Натижада айрим мамлакатларда фуқароларнинг ўз жамияти ва тараққиёт йўлига бўлган ишончи сусаймоқда ёки иккиланиш пайдо бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ахборот хавфсизлигига зарарли таъсир кўрсатувчи маълумотларга қарши ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги позициясини мустаҳкамлаш қуйидаги тартибда амалга ошириш тавсия этилади: сиёсий жиҳатдан ҳушёр ва огоҳ бўлиш, ижтимоий жиҳатдан фуқаровий фаоллик кўрсатиш, ҳуқуқий жиҳатдан керакли ахборотни

истеъмол қилиш кўникмасини эгаллаш, ғоявий жиҳатдан миллий ғоя тамойилларини ўзлаштириш ва маънавий жиҳатдан ахборот соҳасида масъулиятли бўлиш [3].

Фуқаролик позицияси телерадио, матбуот, интернет ва бошқа оммавий-ахборот воситаларида эълон қилинаётган турли хил ахборотлар оқимидан ҳаққоний ва тўғри, соғлом ва асосли маълумотларни олиш, таҳлил қилиш ҳамда узатишнинг кучли таянчи сифатида кўзга ташланади. Шу сабабли информацион таҳдидларни уюштирадиган кимсалар фуқаролик позициясини издан чиқаришга, йўқ қилишга, уринади, бу орқали эса муайян жамиятда ахборот хавфсизлигини бузилишига олиб келади.

Жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлашда, дейди тадқиқотчи И.Сиддиқов, ёшлар, кўпроқ талаба ёшлар бир қатор фаолиятлари билан иштирок этишлари зарур бўлади: мустаҳкам ҳаётий позиция, давлат ва жамият ишларида масъулият билан қатнашиш, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ташаббускор бўлиш, ён атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олиш, ҳар қандай вазиятда ҳам мустақил фикрга эга бўлиш, ҳар бир ишда бошқаларга ўрнатилган кўрсаткич ва уларни ўз фикрларига ишонтириш ва бошқалар.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирсак, бугунги ёшларимизнинг замонавий ва аниқ таърифи келиб чиқади. Демак, ўз ҳақ-ҳуқуқини биладиган киши, ўз кучига таяниб имкониятларни ишга солади. Иккинчидан, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган киши ўз юртида бўлаётган ва унинг атрофида кечаётган воқеаларни таҳлил қилишни ўрганади, оқ-қорани ажратиб, яхши нима?, ёмон нима? фарқига боради. Энг муҳими, мамлакат ва миллат, халқининг манфаатини ҳимоя қила олади. Ўз халқини танимаган одам миллат ҳақ-ҳуқуқини ҳам танимайди, халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатини ҳимоя қилишга қурби етмайди. Фуқаронинг камолоти бу юрт камолоти, фуқаронинг эркинлиги – бу юрт эркинлиги деб тушунишимиз керак. Айнан ана шундай эркин, озод фуқаролар ижтимоий ҳаётни янгилаш, ислох этишнинг пешқадам кишилари бўладилар. Куюнчаклик, фикрий изланувчанлик, янгилик яратишга иштиёқ, бунёдкорлик янги авлоднинг фазилатидир. Бундай шахслар безовта қалби, беором тафаккури, эзгуликка йўналтирилган шуур ва шуқуҳи билан халқни олға бошлайдилар, миллат руҳини уйғотадилар, кучига куч қўшадилар.

Миллий тарбия бундай ёшларни қанчалик кўп етиштирса, тарбияласа, олға боришимизга шунча имконият вужудга келади. Ислон Каримов мамлакатимизда яшаётган барча ёшлар ана шундай пешқадам, ўзини ўзи бошқара оладиган, ўз ишидан, ўз фаолиятдан рози бўладиган кишилар бўлишини хоҳлайди; қарамлик, боқимандалик, ношудликни инсонга хос бўлмаган иллат ва нуқсон деб билади [4]. Президентимиз ўзининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири саволларига берган жавобларида буни аниқ тушунтириб беради: “Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб билладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата оладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг паст-у баланд, чанг-у тор кўчаларидан Аллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз”.

Ёшлар, талаба ёшлар тарбиясини фақат интернет ёки бошқа ахборотлардан эмас балки китоб мутоаласи орқали ҳам олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки китобдан олинаётган билимни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Ҳар хил ахборотлар назарий билимни эмас, маълумотни, билимни (хабардорликни) оширади. Назарий билим, таҳлилий-муҳокамавий малака китоб асосида ҳосил қилинади. Шунингдек, китоб руҳ ва қалбга ҳам озик беради. Ақлий қобилият ҳам маънавий тарбия, қалб орқали тўлишса яхши, акс ҳолда у ёвузлик манбаига айланиши ҳеч қап эмас. Совуқ, бепарво мушоҳада инсонни меҳр-шафқатдан маҳрум этади. Шу боис ҳам ақл қалб туфайли юксалса, ахборотлар ҳиссий вазиятлар билан қўшилса, камолот юз бериши, комил инсон вояга етиши мумкин. Шунинг учун ҳам шахсни маънавий - ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг аҳамияти ҳозирги даврда ортиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шундай фикрлар билдирсак, Ўзбекистон замонавий коммуникация тизимидан четда эмас. Ёшларимизнинг унинг таъсирига тушиб қолмаслиги учун барча

зиёлилар масъулмиз. Бугунги ёшларимиз эртанги порлоқ келажагимиз яратувчилари сифатида, уларнинг информацион тахдидларига қарши қандай курашиш кераклиги, зарарли сиёсий, мафкуравий ва маънавий таъсирларидан қандай ҳимоя қилиш йўллари Президентимиз И.А. Каримовнинг асарларида, нутқларида ва айниқса “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида кўрсатиб берилган: “Мен ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлар эдим: Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доим сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай тахдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин”.

Демак, асримизга кенг камровда ва жадал суратларда тарқатилаётган информацион тахдидлар ёшларнинг истакларини, дунёқарашини, объектив реалликдаги ҳодисаларга бўлган муносабатини ўзгартиришга қаратилган экан, биз зиёлилар ана шундай информацион тахдидларга қарши ғоявий тарбияни кучайтиришимиз зарур бўлади.

#### Адабиётлар

- [1]. Маънавият. 2013 й. 11-сентябр.
- [2]. Сиддиқов И. Информацион тахдидларга қарши курашишнинг ижтимоий- маънавий асослари. Фарғона. 2013й. 57 б.
- [3]. Сиддиқов И. Информацион тахдидларга қарши курашишнинг ижтимоий- маънавий асослари. Фарғона. 2013й. 49 б.
- [4]. Милий истиқлол ғояси. Т. 2005. 253 б.

**ПОСТРОЕНИЕ КОРПОРАТИВНЫХ СЕТЕЙ  
ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ**

Ю.В. Писецкий, Б.Б. Ибрагимова, Ж.Г. Обидов  
Ташкентский государственный технический университет  
(Получена 17.12.2013 г.)

*Ушбу мақолада корпоратив тармоқларни ташкил қилиш, бундай тармоқлар реализацияси, шунингдек уларни яратишидаги асослар ва керакли маълумотлар берилган. Ишончли ва эффектив маълумотлар системасининг архивациясини ташкил қилиш тармоқдаги ахборотлар сақланишини таъминлашидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Компьютер тармоғидаги маълумотлар ҳимоясининг муаммоларини кўриб чиқишида маълумотларнинг йўқолишига ёки кўнгилсиз ўзгаришига олиб келувчи кириш ҳуқуқунинг бузилиши ва тўхтатилишлар классификацияси ҳақида савол пайдо бўлади.*

*В статье приведено построение корпоративных сетей передачи данных, способы реализации таких сетей, а также рассматриваются предпосылки и основы их построения. Организация надежной и эффективной системы архивации данных является одной из важнейших задач по обеспечению сохранности информации в сети. При рассмотрении проблем защиты данных в компьютерной сети, возникает вопрос о классификации сбоев и нарушений, прав доступа, которые могут привести к уничтожению или нежелательной модификации данных.*

*Creation of corporate networks, ways of realization of such networks is given in the article, and also preconditions and bases of their construction are considered. Organization of effective and reliable backup system is one of the most important tasks to ensure the integrity of information in the network. Considering the problems of data protection in computer network, there is the question of classification of failures and violations of the rights of access, which can lead to the destruction or unwanted data modification.*

Корпорация сетей является сложной, многопрофильной структурой и вследствие этого имеет распределенную иерархическую систему управления, что является актуальной проблемой в мире бизнеса.

Кроме того, предприятия, отделения и административные офисы, входящие в корпорацию, как правило, расположены на достаточном удалении друг от друга.

Для централизованного управления таким объединением предприятий используется корпоративная сеть. В ее состав могут входить магистральные сети, предназначенные для связи отделений и административных офисов корпорации. Обязательными компонентами корпоративной сети являются локальные сети, связанные между собой.

Сети часто условно делят на три большие категории: глобальные сети (WAN, Wide Area Network), городские сети (MAN, Metropolitan Area Network) и локальные сети (LAN, Local Area Network). В нашей стране локальные сети распространены гораздо больше, чем городские или глобальные. Традиционное сокращение для локальных сетей — ЛВС (локальная вычислительная сеть), английские сокращения MAN и WAN. Глобальные сети позволяют организовать взаимодействие между абонентами на больших расстояниях. Эти сети работают на относительно низких скоростях и могут вносить значительные задержки в передачу информации. Протяженность глобальных сетей может составлять тысячи километров. Поэтому они так или иначе интегрированы с сетями масштаба страны.

Каждая из перечисленных сетей может быть: Односерверной - сеть обслуживается одним файл-сервером (ФС); Многосерверной - сеть обслуживается несколькими ФС; Распределенной - две или более локальных сетей, соединенных внутренним или внешним мостами (мост или межсетевое соединение управляет процессом обмена пакетами данных из одной кабельной системы в другую). Пользователи распределенной сети могут использовать

резервы (такие как: файлы, принтеры или дисковые драйвы) всех соединенных локальных сетей; Многосерверной локальной - когда локальная сеть обслуживается более чем одним файл-сервером; Многосерверной - распределенной. Также ЛВС могут быть одноранговыми (все компьютеры в сети равноправны, т.е. нет ФС, Любая рабочая станция может получить доступ к любой другой рабочей станции) и с централизованным управлением (выделенным сервером).

Локальные вычислительные сети обеспечивают наивысшую скорость обмена информацией между компьютерами. Типичная локальная сеть занимает пространство в одно здание. Протяженность локальных сетей составляет около одного километра. Их основное назначение состоит в объединении пользователей для совместной работы. Такие сети организуются внутри здания, этажа или комнаты.

При рассмотрении проблем защиты данных в компьютерной сети, прежде всего, возникает вопрос о классификации сбоев и нарушений, прав доступа, которые могут привести к уничтожению или нежелательной модификации данных. Среди таких потенциальных "угроз" можно выделить:

1. Сбои оборудования: - сбой кабельной системы; - перебои электропитания; - сбой дисковых систем; - сбой систем архивации данных; - сбой работы серверов, рабочих станций, сетевых карт и т.д.

2. Потери информации из-за некорректной работы персонального оборудования (ПО): - потеря или изменение данных при ошибках ПО; - потери при заражении системы компьютерными вирусами.

3. Потери, связанные с несанкционированным доступом: - несанкционированное копирование, уничтожение или подделка информации; - ознакомление с конфиденциальной информацией, составляющей тайну, посторонних лиц;

4. Потери информации, связанные с неправильным хранением архивных данных.

5. Ошибки обслуживающего персонала и пользователей: - случайное уничтожение или изменение данных; - некорректное использование программного и аппаратного обеспечения, ведущее к уничтожению или изменению данных.

В зависимости от возможных видов нарушений работы сети многочисленные виды защиты информации объединяются в три основных класса:

- средства физической защиты, включающие средства защиты кабельной системы, систем электропитания, средства архивации, дисковые массивы и т.д.

- программные средства защиты, в том числе: антивирусные программы, системы разграничения полномочий, программные средства контроля доступа.

- административные меры защиты, включающие контроль доступа в помещениях, разработку стратегии безопасности фирмы, планов действий в чрезвычайных ситуациях и т.д.

Следует отметить, что подобное деление достаточно условно, поскольку современные технологии развиваются в направлении сочетания программных и аппаратных средств защиты. Наибольшее распространение такие программно-аппаратные средства получили, в частности, в области контроля доступа, защиты от вирусов и т.д.

Наиболее надежным средством предотвращения потерь информации при кратковременном отключении электроэнергии в настоящее время является установка источников бесперебойного питания. Различные по своим техническим и потребительским характеристикам, подобные устройства могут обеспечить питание всей локальной сети или отдельной компьютера в течение промежутка времени, достаточного для восстановления подачи напряжения или для сохранения информации на магнитные носители. Большинство источников бесперебойного питания одновременно выполняет функции и стабилизатора напряжения, что является дополнительной защитой от скачков напряжения в сети. Многие современные сетевые устройства - серверы, концентраторы, мосты и т.д. - оснащены собственными дублированными системами электропитания.

За рубежом корпорации имеют собственные аварийные электрогенераторы или резервные линии электропитания. Эти линии подключены к разным подстанциям, и при выходе из строя одной из них электроснабжение осуществляется с резервной подстанции.

Организация надежной и эффективной системы архивации данных является одной из важнейших задач по обеспечению сохранности информации в сети. В небольших сетях, где установлены один-два сервера, чаще всего применяется установка системы архивации непосредственно в свободные слоты серверов. В крупных корпоративных сетях наиболее предпочтительно организовать выделенный специализированный архивационный сервер. Хранение архивной информации, представляющей особую ценность, должно быть организовано в специальном охраняемом помещении. Специалисты рекомендуют хранить дубликаты архивов наиболее ценных данных в другом здании, на случай пожара или стихийного бедствия.

Разновидностью программных средств обеспечения безопасности компьютерных сетей является защита от компьютерных вирусов. Вряд ли найдется хотя бы один пользователь или администратор сети, который бы ни разу не сталкивался с компьютерными вирусами. На сегодняшний день дополнительно к тысячам уже известных вирусов появляется 100-150 новых ежемесячно.

Наиболее распространенными методами защиты от вирусов по сей день остаются различные антивирусные программы. Однако в качестве перспективного подхода к защите от компьютерных вирусов в последние годы все чаще применяется сочетание программных и аппаратных методов защиты. Среди аппаратных устройств такого плана можно отметить специальные антивирусные платы, которые вставляются в стандартные слоты расширения компьютера.

Проблема защиты информации от несанкционированного доступа особо обострилась с широким распространением локальных и, особенно, глобальных компьютерных сетей. Необходимо также отметить, что зачастую ущерб наносится не из-за “злого умысла”, а из-за элементарных ошибок пользователей, которые случайно портят или удаляют жизненно важные данные. В связи с этим, помимо контроля доступа, необходимым элементом защиты информации в компьютерных сетях является разграничение полномочий пользователей.

Напоследок, хотелось бы детализовать приведенную выше классификацию способов обеспечения безопасности компьютерных сетей и вследствие этого, упомянуть о таком способе защиты компьютерных сетей от несанкционированного доступа, как использования определенных служб безопасности, которые указывают направления нейтрализации возможных угроз безопасности. Существуют следующие службы безопасности:

1. Аутентификация;
2. Обеспечение целостности;
3. Засекречивание данных;
4. Контроль доступа;
5. Защита от отказов.

Сервисные службы безопасности являются ответственными за обеспечение основных требований пользователей, предъявляемых к телекоммуникационным системам (с точки зрения ее надежности). Причем данные службы должны функционировать во всех трех плоскостях: менеджмента, управления и пользовательской.

Количество соединений защиты должно быть равно количеству установленных служб защиты. То есть, если для данного виртуального соединения одновременно требуется аутентификация, конфиденциальность и достоверность данных, то устанавливается три самостоятельных соединения защиты.

Совокупность сервисных служб защиты информации, обеспечивающих требования пользователей, образуют профиль защиты.

Механизмы передачи данных в локальных и глобальных сетях существенно отличаются. Глобальные сети ориентированы на соединение — до начала передачи данных между абонентами устанавливается соединение. В локальных сетях используются методы, не

требующие предварительной установки соединения — пакет с данными посылается без подтверждения готовности получателя к обмену.

В таблице 1 перечислены технологии, используемые в тех или иных сетях.

Таблица 1.

Технологии и сети

Технология	Масштаб сети
X.25	LAN
Ethhernet	LAN
Frame Relay	MAN
FDDI	MAN
DQDB	MAN
SMDS	MAN
ATM	WAN
B-ISON	WAN

Основная задача корпоративной сети заключается в обеспечении передачи информации между различными приложениями, используемыми в организации. Под приложением понимается программное обеспечение, которое непосредственно и нужно пользователю, например, базы данных, электронная почта и т. д. Корпоративная сеть позволяет взаимодействовать приложениям, зачастую расположенным в географически различных областях, и обеспечивает доступ к ним удаленных пользователей. На рис.1 показана обобщенная функциональная схема корпоративной сети.




Рис. 1. Обобщенная функциональная схема корпоративной сети

Для выбора тех или иных технологий определяющей является система критериев. Она должна носить достаточно универсальный характер с тем, чтобы ее можно было применять в различных ситуациях.

Серверы (Web) корпоративной сети могут обеспечить пользователям услуги, аналогичные услугам Интернета, например работу с гипертекстовыми страницами (содержащими текст, гиперссылки, графические изображения и звукозаписи), предоставление необходимых ресурсов по запросам клиентов Web, а также осуществление доступа к базам данных. В этом руководстве все службы публикации называются “службами Интернета” независимо от того, где они используются (в Интернете или корпоративной сети).

Корпоративная сеть, как правило, является территориально распределенной, т.е. объединяющей офисы, подразделения и другие структуры, находящиеся на значительном удалении друг от друга. Принципы, по которым строится корпоративная сеть, достаточно сильно отличаются от тех, что используются при создании локальной сети. Это ограничение является принципиальным, и при проектировании корпоративной сети следует предпринимать все меры для минимизации объемов передаваемых данных. В остальном же корпоративная сеть не должна вносить ограничений на то, какие именно приложения и каким образом обрабатывают переносимую по ней информацию. Характерной особенностью такой сети является то, что в ней функционируют оборудование самых разных производителей и поколений, а также неоднородное программное обеспечение, не ориентированное изначально на совместную обработку данных.

Для подключения удаленных пользователей к корпоративной сети самым простым и доступным вариантом является использование телефонной связи. Там, где это возможно, могут использоваться сети ISDN. Для объединения узлов сети в большинстве случаев используются глобальные сети передачи данных. Даже там, где возможна прокладка выделенных линий (например, в пределах одного города) использование технологий пакетной коммутации позволяет уменьшить количество необходимых каналов связи и - что немаловажно - обеспечить совместимость системы с существующими глобальными сетями.

Подключение корпоративной сети к Internet оправдано, если вам нужен доступ к соответствующим услугам. Во многих работах бытует мнение по поводу подключения к Internet: Использовать Internet как среду передачи данных стоит только тогда, когда другие способы недоступны и финансовые соображения перевешивают требования надежности и безопасности. Если вы будете использовать Internet только в качестве источника информации, лучше пользоваться технологией "соединение по запросу" (dial-on-demand), т.е. таким способом подключения, когда соединение с узлом Internet устанавливается только по вашей инициативе и на нужное вам время. Это резко снижает риск несанкционированного проникновения в вашу сеть извне.

Для передачи данных внутри корпоративной сети также стоит использовать виртуальные каналы сетей пакетной коммутации. Основные достоинства такого подхода - универсальность, гибкость, безопасность.

В заключение следует сделать вывод, что правильно выбранный метод построения корпоративной сети должен помочь разобраться в многообразии вариантов построения сетей и в большом количестве нюансов, возникающих на всех стадиях создания и модернизации сети предприятия.

Подводя итоги, хотелось бы отметить, что проблемам компьютерной безопасности в компьютерных и корпоративных сетях в должно придаваться особое значение. Правильно иерархически построенная система доступа к данным, современное оборудование, штат квалифицированных работников, отвечающих за компьютерную безопасность - это гарант безопасности государственной информации, а вместе с тем и государства.

Также, чем больше будет уделено внимания проблемам компьютерной безопасности, тем больше будет уверенности в том, что данные особой важности не будут потеряны при малейшем сбое в работе оборудования или при несанкционированном доступе. Так же хотелось бы подчеркнуть, что никакие аппаратные, программные и любые другие средства, и организаторские работы различных видов не смогут гарантировать абсолютную надежность

и безопасность данных, но в то же время свести риск потерь к минимуму возможно лишь при осознанном, комплексном подходе к вопросам компьютерной безопасности.

**Список литературы**

- [1]. Иванов А.Б. Контроль соответствия в телекоммуникациях и связи. Измерения, анализ, тестирование, мониторинг. Часть 1. – М.: Сайрус-системс, 2001.
- [2]. «Широкополосные беспроводные сети передачи информации»/ В.М. Вишневецкий, А.И. Ляхов, С.Л. Портной, И.В. Шахнович Москва: Техносфера, 2005 – 592с.
- [3]. Комиссаров А.Ю., Подлесный А.В. Идентификация пользователя ЭВМ и автора программного продукта. М.: ЭКЦ МВД России, 1996.
- [4]. Згадзай О.Э., Казанцев С.Я., Казанцева Л.А. М.: Информатика для юристов. 2001.
- [5]. Косарев Е.Д., Ерёмин А.В. Компьютерные системы и сети. М.: Финансы и статистика. 1999 г. С.124.

УДК 69.059.38:725.4

**БИНО ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИНИ ЧЎКИНДИЛАРДАН САМАРАЛИ ТОЗАЛАШ**

М. Мадрахимов, М. Абдужалилова, М. Рахимов  
 Фаргона политехника институти  
 (Қабул қилинди 27.12. 2013 й.)

*Мақолада бино иситиши тизимларини чўкиндилардан самарали тозалаш ва ювиши қурилмаси схемалари ўрганилган.*

**Таянч сўзлар:** *бинонинг иситиши тизими, чўкинди, ювиши қурилмаси, гидроневматик усул.*

*В статье рассмотрена схема очищающего и моющего оборудования тепловой системы здания от осадков.*

**Ключевые слова:** *система отоплени здания, осадки, смывная система, гидроневматический метод.*

*Deals with analysing the scheme of cleaning and washing device of heating system of a building from scheme is considered in the article.*

**Key words:** *heating system of building, cleaning equipment, washing by hydropneumatic system.*

Бино иситиш тизимининг иш жараёнида иссиқлик алмашинув натижасида сув таркибидаги тузларнинг ажралиб қолиши ва металл қувурларда қотиб қолиши рўй беради. Бу эса сув сарфини пропорционал ҳолда камайтиради. Қувурларда чўкиндиларни қотиб қолиши тизимни сувдан бўшаган даврида кўпроқ намоён бўлади, чунки қувурда кислороднинг етарли бўлиши занглаш жараёнини орттиради ва тузлар қаттиқ ҳолатга келади. Шу сабабли қувурлар ва тизимдаги ускуналарни вақти-вақти билан тозалаб туриш зарур бўлади. Тизимнинг тўлиб қолиши ҳаракатдаги босим йўқолишига олиб келади, ушбу тизимдаги босимнинг йўқолиши қуйидаги Дарси-Вейсбах формуласи ёрдамида аниқланади [1]:

$$\Delta H = \left( \lambda \frac{l}{d} + \sum \xi \right) \frac{v^2}{2g} . \tag{1}$$

Бу ерда  $l$  ва  $d$  – қувурнинг узунлиги ва диаметри;  $\lambda$  - гидравлик ишқаланиш қаршилиқ коэффициенти;  $\sum \xi$  - шу тизимдаги маҳаллий қаршилиқ коэффициентлари йиғиндиси;  $v$  – сувнинг ўртача тезлиги.


Қувурда сув ўтадиган кесим юзасининг кичрайиши натижасида ундан ўтаётган сувнинг тезлиги ортади, бу босим йўқолишининг квадратик ҳолатда ортишига олиб келади.

Бундан ташқари, тизим ички юзасининг кирланиши гидравлик қаршилик коэффицентининг ортишига олиб келади.

Гидравлик ишқаланиш қаршилик коэффицентининг ортиши қуйидаги боғланиш билан ифодаланади [1]:


$$\lambda = 0.11 \left( \frac{Kэ}{d} + \frac{68}{Re} \right)^{0.25} \quad (2)$$

Бу ерда  $Kэ$  – қувур ички юзасининг эквивалент нотекислик коэффиценти бўлиб, қувур деворидаги кирланишлар натижасига боғлиқ;  $Re = \frac{V \cdot d}{\nu}$  - Рейнольдс сони бўлиб, у суюқликнинг ҳаракат тартибини аниқлайди. Қувурдаги кирланишлар натижасида  $Kэ$  бир неча маротаба ортади. Бу эса қувурдаги қаршиликни пропорционал равишда орттиради.



1-расм. Қувурларни ювиш қурилмаси схемаси. 1-насос; 2-компрессор; 3-вентиллар; 4-қайтма клапанлар; 5-суюқлик ва ҳаво аралаштирув қувур; 6-манометрлар.

Юқоридаги босим йўқотишлари тизимнинг иш самарадорлигини пасайтиради. Биз иссиқлик тизимини гидропневматик тозалашни самарали усулини таклиф этамиз. Бу усул қуйидагича амалга оширилади: тизимнинг қайтиш қувуридан оқимга тескари ҳолда суюқлик ва ҳаво аралашмаси юборилади ҳамда етарли босим ҳосил қилиниб, қувурда гидропневматик оқим ташкил этилади, сўнгра кириш қувуридан тўкилади. Ювиш қурилмаси 1- расмдаги схемада кўрсатилган.



2-расм . Қувурда сув ҳаво аралашмаси ҳаракат схемаси.

Қурилманинг ишлаш тарзи қуйидагича: насос сувни, компрессор ҳавони белгиланган босимда ҳайдайди. Ҳосил бўлган босимларни манометр 6 кўрсатади, вентил 3 ёрдамида сув ва ҳаво сарфи бошқариб турилади. Тизимга ҳаво кирганда сув-ҳаво аралашмаси қувурда ҳаракатланади. Тизимдаги ҳаво ва сув фазалар аралашиб ҳаракатланиши натижасида ҳавонинг кескин сиқилиши ва кенгайиши оқимда тебранма ҳаракатни вужудга келтиради.

Тизимдан чиқишда ҳавонинг тезлиги бирданига ортади, сувнинг тезлиги эса ҳавонинг тезлигидан ўнлаб мартаба кичик бўлгани учун қувурнинг ичида бўйлама тебраниш ҳосил бўлади. Бу тебраниш натижасида қувур ичидаги чўкиндилар сувга аралашиб ювилади. Қувурларнинг горизонтал қисмида сув ва ҳавонинг фазаларга ажралиши синусоида шаклида рўй беради. (2-расм).

Тармоқнинг бошида ҳаво ва сув аралашган бўлади, қувур узунлиги ортган сари улар ажралиб қолади, чунки қувурдан чиқишда ҳавонинг тезлиги тез ортади, бу эса ичкарида ҳавонинг сиқилишига олиб келади ва суюқлик ҳаракатида тартибсиз тебраниш пайдо бўлади, қувурда пульсацияли оқим ҳосил қилинади.

Трубаларда сувнинг ҳаво билан бирга ҳаракатланиши пульсацияли бекарор ҳаракатни келтириб чиқарганлиги сабабли инерция босими вужудга келади. Пульсацияли ҳаракат натижасида инерция босими пайдо бўлганлиги учун, трубанинг  $dl$  масофадаги инерция босимининг ўзгаришини қуйидаги формуладан топилади [2].

$$\Delta P_{ин} = \rho \int_{u_1}^{u_2} \frac{du}{dt} dl. \quad (3)$$

Бу ерда  $\rho$  – суюқликнинг зичлиги;  $u_1$  ва  $u_2$  – мос кесимлардаги суюқлик пульсация тезлиги.

Суюқликнинг тезлиги ва босими кескин ўзгарганда ҳосил бўладиган тебранма ҳаракат гидравлик зарб ҳодисасини келтириб чиқаради, бу эса труба деворларини деформациялайди. Труба деворларини деформацияланиши труба деворларидаги ёпишган кирларни кўчиради.

Элеваторли иситиш тизимини гидропневматик ювишда элеваторнинг конуси ва стакани олдиндан чиқариб олиниши керак, чунки ҳаракатга конусли найча ва стакан ҳалақит беради.

Сиқилган ҳаво иш унумдорлиги  $3 \div 6$  м<sup>3</sup>/мин бўлган автокомпрессор билан узатилиб, у 0,6 МПа гача ҳаво босимини вужудга келтиради. Сиқилган ҳаво трубасига тескари клапан ўрнатилиб, у иситиш системасидан компрессорнинг ресиверига сув тушишига йўл қўймайди.

Узатувчи ва тескари трубаларга шкаласи 1,0 МПа гача бўлган манометрлар ўрнатилади. Ички иситиш тизимларининг конструкцияси ва ифлосланиш даражасига қараб стояклар, стояклар группаси, бўлақлар алоҳида-алоҳида ёки барча тизимларни бирданига ювиш мумкин.

Биринчи группа ювиб бўлингандан кейин, стояклар ажратилиб, навбатдаги группани ювишга киришилади ва ҳоказо. Чиқариб ташланаётган ҳаво-сув аралашмаси буткул тиниқлашгунгача ювиш давом этади. Бу усулда ювиш гидравлик ювишга қараганда самарали бўлиб, тизимни тез ва сифатли ювиш имконини беради.

Қувур ичида ҳавонинг сиқилиши ва кенгайиши жараёни оқимдаги пульсацияни орттиради ва ювиш самарадорлигини оширади.

Қувурларни бундай тозалашда қуйидагиларни инобатга олиш керак:

- 1) тизимга берилётган сув ва ҳавонинг босими ва сарфи вентил 3 ёрдамида тўғри ростланиб турилиши зарур;
- 2) тизимнинг кириш ва чиқишига ўрнатилган манометрларнинг фарқи назорат қилиб борилади, ювиш жараёнида босимлар фарқи камайиб боради;
- 3) тизимдан чиқаётган сувнинг таркибини кузатиб туриш зарур;
- 4) қувур ичидаги пульсация частотаси 20-30 герц бўлиши керак, агар частота ортиб кетса, қувурда тебраниш бўлиб, қувурни мустаҳкамлигини йўқотади.

Бинонинг иситиш тизимларини бундай усулда тозалаш тизимни узоқ муддат давомида бир меъёрда ишлашини таъминлайди ва сарфланаётган энергия сарфини камайтиради.

#### Адабиётлар

- [1]. Альтшуль А.Д., Киселев П.Г. “Гидравлика и аэродинамика”, М.Стройиздат, 1975.  
 [2]. Абрамович Г.Н. “Прикладная газовая динамика”, М.Наука, 1976.



